

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**ШНҚ 2.06.04-21 «ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИГА БЎЛАДИГАН
ЮКЛАНИШ ВА ТАЪСИРЛАР» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА
ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 29 июлда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 265]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартағи ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги хамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.06.04-21 «Гидротехника иншоотларига бўладиган юкланиш ва таъсирлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1997 йил 19 мартағи 20-сон бўйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.06.04-97 «Гидротехника иншоотларига юклар ва таъсирлар (тўлқин, муз ва кемалардан)» қурилиш меъёrlари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан келишилган.
4. Ушбу бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 июль,
01/2-25-сон
Келишилди:

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ
2024 йил 26 июнь
Қишлоқ хўжалиги вазири И. АБДУРАҲМОНОВ
2024 йил 28 июнь
Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛОМОВ
2024 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2024 йил 9 июлдаги
01/2-25-сон буйруғига
ИЛОВА

**ШНҚ 2.06.04-21 «Гидротехника иншоотларига бўладиган юкланиш ва таъсирлар»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари**

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қурилаётган ва реконструкция қилинадиган гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ҳамда уларга нисбатан юклар, тўлқинлар, музлар ва кемалар таъсирининг меъёрий қийматларига оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳавола

1. Мазкур ШНҚда ҚМҚ 2.06.01-97 «Гидротехника иншоотлари. Лойиҳалаштиришнинг асосий низомлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳавола кўлланилган.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

гидротехника иншоотлари — сув омборлари тўғонлари, дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги тўғонлар, дарёларнинг ўзанларини тўсуви иншоотлар, сув олиш, сув ўтказиш, сув ташлаш ҳамда қирғоқларни ҳимоя қилиш иншоотлари, гидроэлектростанциялар, насос станциялари;

тўлқин элементлари (асосий) — тўлқин баландлиги, узунлиги ва тўлқин даври;

мунтазам тўлқинлар — фазонинг суюқлик билан эгаллаган ушбу нуқтасида баландлик ва даври ўзгармас бўлиб қолувчи тўлқинлар;

турғун тўлқинлар — кўриниш шакли фазода кўчмайдиган тўлқинлар;

тўлқин кесими (бош) — тўлқинланган сиртнинг тўлқин нури йўналиши бўйича вертикал текислик билан кесишиш чизиги;

тўлқин ўркачи — ўртacha тўлқин чизигидан юқорироқда жойлашган тўлқин қисми;

тўлқин чўққиси — тўлқин ўркачининг энг баланд нуқтаси;

тўлқин ётиғи — ўртacha тўлқин чизигидан пастроқда жойлашган тўлқин қисми;

тўлқин таги — тўлқин ётиғининг энг пастки нуқтаси;

тўлқин узунлиги — тўлқин кесимида икки ёнма-ён ўркачларнинг орасидаги горизонтал масофа;

тўлқин нури — берилган нуқтада тўлқин кўламига тик йўналган чизик;

тўлқин тезлиги — тўлқин ўркачининг унинг тарқалиш йўналишидаги кўчиш тезлиги;

шамолнинг ҳисобий тезлиги (тўлқинларнинг элементларини аниқлашда) — сув сатҳидан 10 m баландликдаги шамол тезлиги.

3-боб. Вертикал ва қия кесимли гидротехника иншоотларига юкланишлар ва тўлқин таъсирлари

1-§. Вертикал кесимли гидротехника иншоотларига бўладиган тўлқинлардан юкланишлар

3. Ҳисобий юқ, унинг меъёрий қийматидан ноқулай томонга оғиш имконини ҳисобга оладиган, меъёрий юкланишни юкланишлар бўйича ишончлилик коэффициенти γ_f га кўпайтмаси сифатида аниқланиши, бунда γ_f гидротехника иншоотларини лойиҳалашда ҚМҚ 2.06.01-97 талаблари инобатга олиниши лозим.

Очиқ ва тўсиқ акваториялардаги тўлқинларнинг ҳисобий элементлари ҳамда муз шароитлари муҳандислик изланишлари, кўп йиллик табиий шароитдаги кузатишлар ва лаборатория тадқиқотлари асосида аниқланиши лозим.

Тўлқинлар элементларини мазкур ШНҚнинг 1-илласига мувофиқ ҳисоблаш йўли билан аниқлашга йўл қўйилади.

I ва II синф гидротехника иншоотлари учун түлқин ва музлардан бўладиган юкланишларни табиий шароитда ва лаборатория тадқиқотлари асосида аниқлаш лозим.

4. Очиқ акватория томондан тик түлқинларни таъсирига гидротехника иншоотларини ҳисоблаш (1-расм) $d_b > 1.5h$ тубгача бўлган чуқурликда ва берма устидаги чуқурлик $d_{br} \geq 1.25h$ амалга оширилиши, бунда эркин түлқин сатҳи ва түлқин босимини аниқлашга оид формулаларда d_b , м, тубгача чуқурлик ўрнига ҳисобланувчи ва қўйидаги формула орқали аниқланувчи чуқурлик d , м кўлланилиши лозим:


$$d = d_f + k_{br} (d_b - d_f) \quad (1)$$

бу ерда:

d_f — гидротехника иншооти таглиги устидаги чуқурлик, м;


k_{br} — мазкур ШНҚнинг 2-расмининг графиги бўйича қабул қилинадиган коэффициент;

h — дастлабки келувчи түлқин баландлиги, м.



1-расм. Тик түлқинларни очиқ акватория томондан вертикал деворга бўлган босими эпюралари, вазнили түлқиннинг берма массивларига бўлган босими эпюралари:

а — түлқин ўркачидаги, б — түлқин чуқурлигига



2-расм. k_{br} коэффициенти қийматларининг графиклари

5. Вертикал деворнинг, ҳисобий сув сатҳидан ҳисобланган эркин тўлқин юзасининг кўтарилиши ёки пасайиши қўйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$\eta = -h \cos \omega t - \frac{kh^2}{2} \operatorname{ctg} kd \cos^2 \omega t \quad (2)$$

бу ерда:

$\omega = \frac{2\pi}{T}$ — тўлқиннинг айланавий частотаси;


T — тўлқиннинг ўртача даври, с;

t — вақт, с;




$k = \frac{2\pi}{\lambda}$ — тўлқинли ракам;

λ — тўлқиннинг ўртача узунлиги, м.

Турғун тўлқинни вертикал деворга таъсирида η мазкур ШНҚнинг 2-формуласи бўйича $\cos \omega t$ нинг қўйидаги миқдорлари учун аниқлашнинг уч ҳолатини инобатга олиш лозим:



3 Рәсм. k_2 ва k_3 коэффициентлари қийматлари чизмаси



η_{\max} 4-расм. k_4 ва k_5 коэффициентлари қийматлари графиклари


$\cos \omega t = 1$ — ҳисобланган сатхдан η_{\max} , м күтарилиувчи түлкүн чүккисини деворига келишида;

$1 > \cos \omega t > 0$ — горизонтал чизиқли түлкүн юкланишининг P_{xc} , kN/m, максимал қийматида, ҳисобланган сатхдан η_c га күтарилиувчи түлкүн ўркачи учун $\cos \omega t$ күйидаги формула орқали аниқланади:

$$\cos \omega t = \frac{\bar{\lambda}}{\pi(4kd - 3)}; \quad (3)$$

$\cos \omega t = -1$ ҳисобланган сатхдан пастда жойлашган түлкүн ётиклиги учун горизонтал чизиқли түлкүн н_t юкланиши P_{xt} , kN/m, максимал қийматида.

$d / \bar{\lambda} \leq 0,2$ бўлгандан ва бошқа барча ҳолларда мазкур ШНҚнинг 3-формуласи бўйича ўнг томони қиймати 1 дан катта бўлгандан кейинги ҳисоблашларда $\cos \omega t = 1$ деб қабул қилиш керак.



5-расм. k_8 ва k_9 коэффициентлар қиймати чизмаси

6. Турғун түлкінлар чўққисида ёки саёзлигиде чуқур сув зонасида вертикаль деворга бўлган юкланишни P_x , kN/m, түлкін босими эпюраси бўйича қабул қилиш лозим, бунда p микдор, кPa, z , m чуқурликда қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$p = \rho g h e^{-iz} \cos \omega t - \rho g \frac{kh^2}{2} e^{-2iz} \cos^2 \omega t - \rho g \frac{kh^2}{2} (1 - e^{-2iz}) \cos 2\omega t - \\ - \rho g \frac{k^2 h^3}{2} e^{-3iz} \cos 2\omega t \cos \omega t, \quad (4)$$

бу ерда:

ρ — сув зичлиги, т/m³;

g — эркин тушишнинг 9,81 m/s² га тенг бўлган тезланиш;

z — ($z_1=\eta c$; $z_2=0$; $z_3=d$), m, ҳисобий сатҳдан ҳисобланувчи нуқталар ординатлари;

$z_1=\eta c$ бўлганда ўркач учун соҳили учун эса $z_6 = 0$ бўлганда $p = 0$ деб қабул қилиш лозим.

7. Турғун түлкінлар чўққисида ёки саёз сув зонасида вертикаль деворга бўлган юкланишни P_x , kN/m, түлкін босими эпюраси бўйича қабул қилиш лозим, бунда p микдор, кPa, z , m чуқурликда қуидаги 1-жадвал орқали аниқланиши лозим:

1-жадвал

Нуқталар N	Нуқталар чуқурлиги z, m	Түлкін босими қиймати p, кPa
ўркачда		
1	ηc	$p_1 = 0$
2	0	$p_2 = k_2 \rho g h$
3	$0,25 d$	$p_3 = k_3 \rho g h$
4	$0,5 d$	$p_4 = k_4 \rho g h$
5	d	$p_5 = k_5 \rho g h$
соҳилда		
6	0	$p_6 = 0$
7	η_t	$p_7 = -\rho g \eta_t$
8	$0,5 d$	$p_8 = k_8 \rho g h$
9	d	$p_9 = k_9 \rho g h$

Изоҳ: k2, k3, k4, k5, k8, k9 коэффициент қийматлари 3,4,5-расмлардаги графикларга мувофиқ олиши керак.

2-§. Вертикаль кесимли гидротехника иншоотлари ва уларнинг элементларига (максус ҳолат) юкланиш ва тўлқинлар таъсирлари

8. Гидротехника иншоотининг юқори ҳисобий даражасидан z_{sup} , м, η_{max} , м, вертикаль деворга бўлган тўлқин босими p , кРа мазкур ШНҚнинг 6 ва 7-бандларига мувофиқ олинган босим қийматларини куйидаги формула орқали аниқланувчи k_c коэффициентига қўпайтириш орқали аниқланади:

$$k_c = 0.76 \pm 0.19 \frac{z_{sup}}{h}, \quad (5)$$

бу ерда:

«+» ва «-» белгилари гидротехника иншооти юорори қисмининг ҳисобий сув сатҳидан баланд ёки паст ҳолатига мос келади.

Мазкур ШНҚнинг 5-бандига мувофиқ аниқланган эркин тўлқин сиртининг η , кўтарилиши ёки тушишини хам k_c коэффициентига қўпайтириш лозим.

Кўриб чиқилаётган ҳолатдаги горизонтал чизиқли тўлқин юкланиши Рхс, кН/м, тўлқин босими эпюраси майдони бўйича вертикаль девор баландлиги чегараларида аниқланиши лозим.

9. Очиқ акваторий тарафдан тўлқин фронти гидротехника иншоотига α — бурчак остида яқинлашганда, (гидротехника иншоот барқарорлиги ва пойдевор грунтларни мустаҳкамлигини ҳисоблашда) мазкур ШНҚнинг 6, 7-бандларига мувофиқ қабул қилинган вертикаль девор ушбу ШНҚнинг 2-жадвалида келтирилган k_l коэффициентига қўпайтириш орқали камайтириш лозим, 2-жадвалга мувофиқ λ l-секция узунлиги, м — тўлқин узунлиги, м, α — вертикаль девор ва тўлқин фронти йўналиши орасидаги бурчак.

10. Тўсиқ билан ўралган акваторий томондан дифракцияланган тўлқинлардан бўлган горизонтал юкланиши гидротехника иншооти қисмининг нисбий узунлигига $l/\lambda \leq 0.8$ аниқлаш керак. Бунда, тўлқин босимининг p , кРа микдорлар билан ҳисобий эпюрасини куйидаги ҳолатларни кўриб чиқиш орқали уч нуқталар бўйича бажарилишига йўл қўйилади:

тўлқин тепаси гидротехника иншооти қисми ўртаси билан бириктирилган (ушбу ШНҚнинг 6-а расм):

$$z_1 = \eta_{max} = -\frac{h_{dif}}{2} - \frac{k h_{dif}^2}{8} \operatorname{cth}kd, p_1 = 0 \quad (6)$$

$$z_2 = 0, \quad p_2 = k_l \rho g \left(\frac{h_{dif}}{2} - \frac{k h_{dif}^2}{8} \operatorname{cth}kd \right); \quad (7)$$

$$z_3 = d_f, \quad p_3 = k_l \rho g \left(\frac{h_{dif}}{2 \operatorname{ch}kd} - \frac{k h_{dif}^2}{4 \operatorname{sh}2kd} \right); \quad (8)$$

тўлқин ётиклиги гидротехника иншооти қисми ўртаси билан бириктирилганда (мазкур ШНҚнинг 6-б расм):

$$\varphi^I = 0^\circ \quad \psi^I = 0^\circ \quad (9)$$


$$z_2 = \eta_t = \frac{h_{dif}}{2} - \frac{k h_{dif}^2}{8} \operatorname{cth}kd, \quad p_2 = -k_l \rho g \eta_t; \quad (10)$$

$$z_3 = d_f, \quad p_3 = -k_l \rho g \left(\frac{h_{dif}}{2 \operatorname{ch}kd} + \frac{k h_{dif}^2}{4 \operatorname{sh}2kd} \right), \quad (11)$$

бу ерда:

h_{dif} — мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ аниқланувчи дифракцияланган тўлқин баландлиги, м;

$k_l = \sin \alpha$ = бўлганда ушбу ШНҚнинг 2-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент.



6-расм. Дифракцияланган тўлқинларни тўсиб қўйилган акватория томондан вертикаль девор ва унинг тубига бўлган босими эпюралари: **a** — тўлқин ўркачида, **b** — тўлқин соҳилида

2-жадвал

Қисмнинг нисбий узунлиги $\frac{l}{\lambda} \sin \alpha$	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5 ва катта
k_l коэффициенти	0,98	0,94	0,86	0,76	0,70

Изоҳ. Тўсиб қўйилган акватория томондаги чуқурликда $d \geq 0,3\bar{\lambda}$, $z_1 = 0,3\bar{\lambda}$ чуқурликда тўлқин босимини нолга teng деб қабул қилиб, (6-расмга қаранг) тўлқин босимининг учбуручакли эпюрини ясаш керак.

11. Гидротехника иншоотининг яхлит девори горизонтал чокларида ҳамда остидаги муаллақлашувчи тўлқин босими чекка нуқталаридаги горизонтал тўлқин босимига ва унинг гидротехника иншооти кенглиги доирасидаги чизиқли ўзгаришидаги қийматларига teng қилиб олинади (ушбу ШНҚнинг 1 — 6-расмларида келтирилган).

12. Вертикаль девор олдидағи максимал таг тезлик $V_{b,max}$, m/s, (тик тўлқинлар таъсиридан), деворнинг олд ёқидан $0,25\bar{\lambda}$ масофа остида бўлганда қуйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$V_{b,max} = \frac{2 k_{sl} \pi h}{T \operatorname{sh} k d_b}, \quad (12)$$


бу ерда:

k_{sl} — мазкур ШНҚнинг 3-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент.

3-жадвал

Түлкін қиялиги $\bar{\lambda} / h$,	8	10	15	20	30
k_{sl} коэффициенти	0,6	0,7	0,75	0,8	1

Ювиб кетмайдиган туб тезликларнинг йўл қўйилувчи қийматлари $V_{b,adm}$, m/s, фракциялар йириклиги D, mm бўлган грунт учун қуидаги 7-расм бўйича қабул қилиниши керак, $V_{b,max} > V_{b,adm}$ бўлганда ювилиб кетмасликдан химоя қилиниши лозим.



7-расм. Ювилиб кетмайдиган таг тезликларнинг йўл қўйиладиган қийматлар графиги

13. Бермали массивларга бўладиган муаллақлашувчи тўлқин эпюраси мазкур ШНҚнинг 1-б расмига мувофиқ p_{br} кPa, ординаталар билан ($i=1,2$ ёки 3) бўлгандаги аниқланувчи трапеция шаклда қуидаги формула орқали қабул қилиниши лозим:

$$P_{br,i} = k_{br} \rho g h \frac{\operatorname{ch}k(d - d_f)}{\operatorname{ch}kd} \cos \alpha_i \leq \rho_f, \quad (13)$$

бунда:

x_i — девордан массивнинг мувофиқ ёқигача бўлган масофа, м;

k_{br} — ушбу ШНҚнинг 4-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент;


ρ_f — гидротехника иншооти таглиги сатхидаги тўлқин босими.

4-жадвал

Нисбий чукурлик $d/\bar{\lambda}$	Тўлқинлар ётиклигидаги $\bar{\lambda}/h$ коэффициент k_{br}	
	15 ва ундан кам	20 ва ундан кўп
0,27 дан кам	0,86	0,64
0,27 дан 0,32 гача	0,60	0,44
0,32 дан ортиқ	0,30	0,30

3-§. Вертикал кесимли гидротехника иншоотларига парчаланувчи ва қирғоққа урилувчи тўлқинлардан бўладиган юкланишлар

14. Очиқ акватория томонидан парчаланувчи тўлқинлар таъсирига гидротехника иншоотларини ҳисоблаш берма юқорисида бўлган $d_{br} < 1,25h$ ва тубигача бўлган чукурликда $d_{br} \geq 1,5 h$ қуидаги 8-расмга мувофиқ амалга оширилиши лозим.



8-расм. Парчаланувчи түлқинларнинг вертикал деворига ва унинг тубига берган босими эпюраси

Парчаланувчи түлқинлардан бўлган горизонтал чизиқли юкланишни P_{xc} , kN/m, ён томондан бўладиган түлқин босимининг эпюра юзаси бўйича қабул қилиш лозим, бунда z , m ординатлар қийматлари учун p , kPa қийматларни қуидаги формулалар бўйича аниқлаш лозим:

$$z_1 = -h, \quad p_1 = 0; \quad (14)$$

$$z_2 = 0, \quad p_2 = 1,5\rho gh; \quad (15)$$

$$z_3 = d_f, \quad p_3 = \frac{\rho gh}{\operatorname{ch}kd_f}. \quad (16)$$

Парчаланувчи түлқинлардан бўлган вертикал чизиқли юкланишни P_{zc} , kN/m, муаллақлашувчи түлқин босими эпюра юзасига тенг деб қабул қилиниши ҳамда қуидаги формула бўйича аниқланиши керак:

$$P_{zc} = \mu \frac{p_3 a}{2}, \quad (17)$$

бу ерда:

μ — 5-жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент.

Парчаланувчи түлқинлар бўлганда вертикал девор олдидағи берма юзасидан сувнинг максимал тезлиги $V_{f,max}$, m/s қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$V_{f,max} = \sqrt{\frac{gh}{\operatorname{ch}kd_f}}, \quad (18)$$

5-жадвал

$\frac{a}{d_b - d_f}$	≤ 3	5	7	9
μ коэффициенти	0,7	0,8	0,9	1,0


15. Очиқ акватория томондан қирғоққа урилувчи түлқинлар таъсири остидаги гидротехника иншоотлар ҳисоби, туби девор билан уланган қисмининг камида 0,5 м узунлик бўйича $d_b \leq d_{cr}$ чуқурлик остида амалга оширилиши лозим (9-расм), бунда қирғоққа урилувчи максимал түлқин чўққисининг ҳисобланган сатҳдан кўтарилиши $\eta_{c,sur}$, m, қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\eta_{c,sur} = -0,5d_f - h_{sur}; \quad (19)$$

бу ерда:

h_{sur} — қирғоққа урилувчи түлқин баландлиги, m;

d_{cr} — критик чуқурлик, m.



9-расм. Вертикал девор ва унинг тубига қирғоққа урилувчи тўлқинлар босими эпюраси:

- a** — туб сатҳидаги тўшама усти билан,
- б** — тўшама тубининг юқориси билан

Қирғоққа урилувчи тўлқинлардан бўлган горизонтал чизиқли юкланишни P_{xc} , kN/m, ён томон тўлқин босими эпюраси юзаси бўйича қабул қилиниши, бунда p қийматлар, kPa, z , m, ординатлар қиймати учун қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$z_1 = -h_{sur}, \quad p_1 = 0; \quad (20)$$

$$z_2 = -\frac{1}{3}h_{sur}, \quad p_2 = 1,5\rho gh_{sur}; \quad (21)$$

$$z_3 = d_f, \quad p_3 = \frac{\rho g h_{sur}}{\operatorname{ch} \frac{2\pi}{\lambda_{sur}} d_f}, \quad (22)$$

бу ерда:

$\bar{\lambda}_{sur}$ — қирғоққа урилувчи тўлқин узунлиги, м.

Қирғоққа урилувчи тўлқинлардан бўлган вертикал чизиқли юкланишни P_{zc} , kN/m, муаллақлашувчи тўлқин босими (p_3 баландлик билан) эпюраси юзасига тенг қилиб олинади ва қуидаги формула орқали аниқланади:

$$P_{zc} = 0,7 \left(\frac{p_3 a}{2} \right) \quad (23)$$

Очиқ акватория томондан вертикал девор олдидағи қирғоққа урилувчи тўлқиннинг максимал туб тезлиги $V_{b,max}$, m/s қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$V_{b,max} = \sqrt{\frac{gh_{sur}}{\operatorname{ch} \frac{2\pi}{\lambda_{sur}} d_f}}, \quad (24)$$

16. I ва II синф гидротехника иншоотларига парчаланувчи ва қирғоққа урилувчи түлкін таъсирларидан бўлган юкланишларни, лаборатория тадқиқотлари ёки динамик услублар ҳисоби асосида аниқланиши лозим.

4-§. Қия гидротехника иншоотларига юкланиш ва түлкінларнинг таъсирлари

17. Тўлқинлар қиялигига бўлган орқага қайтиши баландлигини h_{run} , м, қўйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$h_{run} = k_r k_p k_{sp} k_{run} k_i k_\alpha h_{1\%} \quad (25)$$

бу ерда:

$h_{1\%}$ — тизимда 1 фоиз таъминланиш билан тўлқинлар баландлиги;

k_r ва k_p — ушбу ШНҚнинг 6-жадвал бўйича қабул қилинувчи қияликнинг ғадир-будирлиги ва ўтказувчанлиги;

k_{sp} — мазкур ШНҚнинг 7-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент;

k_{run} — ушбу ШНҚнинг 10-расми графиклари бўйича қабул қилинувчи, гидротехника иншооти олдидаги сув чуқурлиги d ва тўлқин ётиқлигига боғлиқ $\bar{\lambda}_d / h_{1\%}$ коэффициент.

Қавссиз кўрсатилган $\bar{\lambda}_d / h_{1\%}$ катталик қийматлари $d \geq 2h_{1\%}$ ҳолат учун тегишлидир.

Гидротехника иншоот олдидаги $d < 2h_{1\%}$ чуқурлиқда k_{run} коэффициентни $d = 2h_{1\%}$ чуқурлиқда аниқланувчи ва $\bar{\lambda}_d / h_{1\%}$ катталик ушбу ШНҚнинг 10-расмida қавслар ичida келтирилган $\bar{\lambda}_d$ қиймат бўйича қабул қилинади.

6-жадвал

Қияликни маҳкамлаш конструкцияси	Нисбий ғадир-будирлик $r/h_{1\%}$,	k_r коэффициенти	k_p коэффициенти
Бетон (темир-бетон) плиталар билан	-	1	0,9
Тош-шағалли, тошли ёки бетонли (темир-бетонли) блоклар билан маҳкамлаш	0,002 дан кам	1	0,9
	0,005-0,01	0,95	0,85
	0,02	0,9	0,8
	0,05	0,8	0,7
	0,1	0,75	0,6
	0,2 дан катта	0,7	0,5

Ғадир-будирлик хусусиятли ўлчамини r , м маҳкамлаш материали доначалари ўртача диаметрининг ёки бетон (темир-бетон) блоклар ўртача ўлчамига teng қилиб олинини керак.

7-жадвал

$ctg \varphi$ қиймати	1-2	3-5	5 дан катта
k_{sp} коэффициент шамол тезлиги V_w , м/с:			
20 м/с ва катта	1,4	1,5	1,6
10 м/с	1,1	1,1	1,2
5 ва ундан кам	1	0,8	0,6


Изоҳ: φ — қияликни горизонтга бўлган нишаби бурчаги, градус ($^\circ$).

8-жадвал

Орқага кетиш бўйича таъминланиш i , фоиз	0,1	1	2	5	10	30	50
k_i коэффициенти	1,1	1,0	0,96	0,91	0,86	0,76	0,68

k_i — мазкур ШНҚнинг 8-жадвали бўйича қабул қилинувчи орқага қайтиши бўйича таъминланиш коэффициенти.

k_{α} — ушбу ШНҚнинг 9-жадвали бўйича сув қирқими ва тўлқин кўлами орасидаги α бурчакка боғлиқ равиша қабул қилинувчи коэффициент.



10-расм. k_{run} коэффициенти қийматлари графиги

9-

жадвал

α , бурчаги қиймати, град	0	10	20	30	40	50	60
k_a коэффициенти	1	0,98	0,96	0,92	0,87	0,82	0,76

Изоҳ: Қумли ва шагалли соҳил бўйларидағи тўлқинларнинг қайтиши қалинлигини аниқлашида, соҳил бўйининг бўрон пайтида қиялиги ўзгаришини ҳисобга олиш лозим.

Сув сатҳи чизигида соҳил бўйининг энг кўп пасайишини қиргокда энг катта тўлқин қайтиши баландлигигача ноль қийматга келтирилган ҳолда $0,3h$ деб қабул қилинади, сув остида эса $d = d_{cr}$, т, чуқурликкача, ювилувчи грунтлар учун ёки $d = d_{cr,u}$, т — ювилиб кетмайдиган грунтлар учун (бунда h , d_{cr} ва $d_{cr,u}$ — мос равиидаги тўлқин баландлиги, биринчи ва охирги бузилиши устунлардаги сувнинг чуқурлиги, т).

18. Монолит ёки йифма плиталар билан маҳкамланган $1,5 < \text{ctg } \varphi < 5$ остидаги қиялик устига таъсир этувчи тўлқин босими эпюраси ушбу ШНҚнинг 11-расми бўйича қабул қилиниши лозим. Бунда, максимал ҳисобланган тўлқин босими P_d , кРа қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$p_d = k_s k_f p_{rel} \rho g h, \quad (26)$$

бу ерда:

k_s — қуйидаги формула орқали аниқланувчи коэффициент:


$$k_s = 0,85 + 4,8 \frac{h}{\lambda} + ct \varphi (0,028 - 1,15 \frac{h}{\lambda}) \quad (27)$$

бу ерда:

k_f — мазкур ШНҚнинг 10-жадвали бўйича аниқланувчи коэффициент;

p_{rel} — 2-нуқтадаги қияликка таъсир этувчи максимал нисбий тўлқин босими (мазкур ШНҚнинг 11-расми) бўлиб, ушбу ШНҚнинг 11-жадвали бўйича ёки қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

$$p_{rel} = \left(\frac{20}{h} \right)^{1/3}.$$



11-расм. Плиталар билан маҳкамланган қияликка бўлган максимал ҳисобланган тўлқин босимиning эпюраси

10-жадвал

Тўлқин ётиклиги $\bar{\lambda}/h$	10	15	20	25	35
k_f коэффициенти	1	1,15	1,3	1,35	1,48

11-жадвал

Тўлқин баландлиги, h, m	0,5	1	1,5	2,0	2,5	3,0	3,5	≥ 4
Максимал нисбий тўлқин босими, p_{rel}	3,7	2,8	2,3	2,1	1,9	1,8	1,75	1,7

Максимал ҳисобланган тўлқин босими P_d билан босилувчи 2-нуқта ординатаси z_2 , м, қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$z_2 = A + \frac{1}{ctg^2 \varphi} (1 - \sqrt{2ctg^2 \varphi + 1}) (A + B), \quad (28)$$

бу ерда:

A ва B параметрлари қуидаги формула орқали аниқланувчи катталиклардир:

$$A = h(0,47 + 0,023 \frac{\bar{\lambda}}{h}) \frac{1 + ctg^2 \varphi}{ctg^2 \varphi}; \quad (29)$$

$$B = h \left[0,95 - (0,84 ctg \varphi - 0,25) \frac{h}{\bar{\lambda}} \right] \quad (30)$$

Қияликка бўлган тўлқин қайтиши баландлигига мувофиқ келувчи z_3 , м ордината ушбу ШНҚнинг 7-бандига асосан аниқланиши лозим.

2 — нуқтадан юқори ва паст бўлган маҳкамланган қиялик қисмларида (мазкур ШНҚнинг 11-расм), тўлқин босими эпюраси ординаталар қийматлари p , кРа қуидаги масофаларда қабул қилиниши лозим, м:

$$l_1 = 0,0125 L\varphi \text{ и } l_3 = 0,0265 L\varphi \quad p = 0,4 p_d \text{ бўлганда};$$

$$l_2 = 0,0325 L\varphi \text{ и } l_4 = 0,0675 L\varphi \quad p = 0,1 p_d \text{ бўлганда};$$

бу ерда:

$$L\varphi = \frac{\bar{\lambda} ctg \varphi}{\sqrt[4]{ctg \varphi - 1}} \quad (31)$$

Қияликка маҳкамланган плиталар устидаги тўлқин босимига қарши босим эпюраси ординатлари P_c , кРа, қуидаги формула орқали аниқланиши керак:

$$P_c = k_s k_f p_{c,rel} \rho g h, \quad (32)$$

бу ерда:


$p_{c,rel}$ — ушбу ШНҚнинг 12-расми бўйича қабул қилинувчи нисбий тўлқин қарши босими.

19. Мураккаб шаклга эга бўлган қиялик кесимли гидротехника иншоотлари учун (берма ва ўзгарувчан нишаблар) тўлқин қайтиш баландлиги h_{run} ва қияликларга маҳкамланган тўлқин юкланишлари лаборатория тадқиқотлари маълумотлари бўйича аниқланиши керак.

20. Қия кесимли гидротехника иншоотларини ва бузиб олинган тош, оддий ва шаклдор бетон ёки темир-бетон блоклардан маҳкамланган қияликларни лойиҳалаштиришда алоҳида элемент массасини m ёки m_z , т, қуидагича аниқланиши лозим:

тош ёки блокнинг гидротехника иншооти юқорисидан $z=0,7h$ чуқурликкача бўлган қисмида жойлашганда қуидаги формула орқали:

$$m = \frac{3,16 k_f p_m h^3}{\left(\frac{p_m}{p} - 1\right)^3 \sqrt{1 + ctg^3 \varphi}} \sqrt{\frac{\lambda}{h}} \quad (33)$$



12-расм. Нисбий тўлқин қаршилигини аниқлаш учун графиклар $z>0,7h$ қуидаги формула бўйича:

$$-\left(\frac{7,5 z^2}{h \lambda} \right)$$

$$m_z = m e \quad (34)$$

бунда:

k_f — ушбу ШНҚнинг 12-жадвалидан $\lambda/h > 15$ бўлганда, шунингдек мураккаб кирқимдаги k_f коэффициент бўлиб, тажриба маълумотлари бўйича аниқланади;

ρ_m — мустаҳкамловчи материал зичлиги, t/m^3 .

12-жадвал

Ўрнатиш элементлари	k_f коэффициенти	
	уюлган ҳолатда	ётқизилган ҳолатда
Тош	0,025	-
Оддий бетон блоклар	0,021	-
Тетрапод ва бошқа шаклдор блоклар	0,008	0,006

21. Қияликларни сараланмаган тош ётқизишлар билан маҳкамлаш (тоғ массаси билан) түлкін баландлигининг күпі билан 3,0 м бўлганда, агар қияликнинг ётиклиги $\operatorname{ctg}\varphi < 5$ ва $\operatorname{ctg}\varphi > 5$ бўлганда 3,5 м дан катта бўлмаганда йўл қўйилади. Бундай маҳкамлашни

$$D_i = \sqrt{\frac{\pi m_i}{6\rho_m}},$$


лойиҳалашда тош ётқизишлар турли хил ўлчамдаги фракциялардан бундан майдаси ётқизишларда умумий материаллар микдорининг i фоизни ташкил қилади, m_i — алоҳида тошларнинг i -фракциясининг массаси, t , Тошнинг ҳисобий массасини t ушбу ШНҚнинг 20-банди бўйича аниқланади.

Ётиклиги $3 \leq \operatorname{ctg}\varphi < 5$ чегарасида бўлган қияликларда, гранулометрик таркибни хусусиятловчи ва i — фракциянинг ҳар қайсиси учун аниқланувчи $k_{gr,i}$ параметрнинг қийматлари қуидаги формула орқали аниқланади:

$$k_{gr,i} = \frac{D_i}{D}, \quad (35)$$

бу ерда:

D — ҳисобланувчи масса t га мос келувчи ҳисобланувчи диаметр бўлиб, қуидаги 13-расмда штрихланган зона орқали аниқланувчи оралиқ ичидаги бўлиши лозим. Қияликлар ётиклиги $\operatorname{ctg}\varphi < 3$ бўлганда, лаборатория тадқиқотлар ўтказилиши лозим.



13-расм. Қияликларни маҳкамлаш учун сараланмаган тош ётқизишни йўл қўйилувчи донавий таркибини аниқлаш графиги

22. Сараланмаган турли доначалик тош ётқизишлар орқали маҳкамланган қияликлар ётиклиги $\operatorname{ctg}\varphi > 5$ шароитида тошнинг шамол тўлқинлари таъсиридан бўлган чегаравий мувозанат ҳолатига мувофиқ келувчи ҳисобий тош массасини t , т, $\lambda/h \geq 10$ бўлганда ҳосил қилинган натижаларни мазкур ШНҚнинг 13-жадвали бўйича аниқланувчи k_{φ} коэффициентга кўпайтириш билан ушбу ШНҚнинг 33-формуласи орқали аниқланиши зарур.

$\operatorname{ctg}\varphi$	6	8	10	12	15
$\bar{\lambda} / h \geq 10$ бўлганда, k_φ , коэффициент	0,78	0,52	0,43	0,25	0,2

$D_i \geq D$ ўлчамли фракцияларнинг минимал таркиби қуйидаги 14-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

14-
жадвал


Турли доначалик коэффициенти D_{60}/D_{10}	5	10	20	40-100
$D_i \geq D$ ўлчамли фракциялар минимал миқдори, фоиз (оғирлик бўйича)	50	30	25	20

4-боб. Силлиқ тўсиқларга ва очик гидротехника иншоотларига тўлқинлардан юкланишлар

1-§. Вертикал силлиқ тўсиқларга тўлқинлардан юкланишлар

23. $d > d_{cm}$ бўлганда кўндаланг ўлчамлари $a \leq 0,4\lambda$ ва $b \leq 0,4\lambda$ (ушбу ШНҚнинг 14-а расм) бўлган вертикал силлиқ тўсиқка таъсир қилувчи тўлқинлар максимал Q_{max} , kN кучини, тўсиқнинг тўлқиннинг энг нисбий юқорисига $\chi = x / \lambda$ турли хил ҳолатларида олинадиган бир қатор қийматларидан қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{max} = Q_{i,max} \delta_i + Q_{v,max} \delta_v \quad (36)$$



14-расм. Силлиқ тўсиқларга бўладиган тўлқин юкланишларини аниқлаш чизмалари: **a** — вертикал, **б** — горизонтал

бу ерда:

$Q_{i,max}$ ва $Q_{v,max}$ — kN, мувофиқ равишда тўлқинлар таъсиридаги кучнинг инерцион ва тезлик компонентлари бўлиб, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{i,max} = \frac{1}{4} \rho g \pi b^2 h k_i \alpha_i b_i \quad (37)$$

$$Q_{v,\max} = \frac{1}{12} pgbh^2 k_v^2 \alpha_v \beta_v \quad (38)$$

δ_i ва δ_v — мазкур ШНҚнинг 15-расми, 1 ва 2-жадвалига мувофиқ равишида қабул қилинувчи, тўлқинлар таъсирларидан бўлган максимал кучнинг инерцион ва тезлик компонентларининг мужассамлик коэффициенти;

h ва λ — ушбу ШНҚнинг 1-иловасининг 4-бандига мувофиқ қабул қилинувчи ҳисобий тўлқиннинг баландлиги ва узунлиги;

a — тўлқин нури бўйича тўсиқ ўлчами, м;

b — тўлқин нури бўйича нормал бўйича тўсиқ ўлчами, м;

D — юмалоқ кесимли тўсиқ диаметри, м;

k_v — ушбу ШНҚнинг 15-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент;

α_i ва α_v — мазкур ШНҚнинг 16-расм a ва b чизмалари бўйича қабул қилинувчи чуқурли kN нинг инерцион ва тезлик коэффициенти;

β_i ва β_v — ушбу ШНҚнинг 17-расми бўйича қабул қилинувчи, қўндаланг кесими доира, эллипс ва тўғри бурчакли учбурчак шаклида бўлган тўсиқ шакли инерцион ва тезлик коэффициенти.

15-жадвал

Тўсиқнинг нисбий ўлчами $a/\lambda, b/\lambda, D/\lambda$	0,05	0,1	0,15	0,2	0,25	0,3	0,4
k_v коэффициенти	1	0,97	0,93	0,86	0,79	0,70	0,52

Изоҳ: икки боши очиқ гидротехника иншоотлари ёки алоҳида турладиган силлиқ тўсиқларни тўлқинлардан бўладиган юкланишларини ҳисоблаш, уларнинг юзаларининг гадир-будирлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Коррозия ва тирик организмлар (органика) таъсирларини камайтириш бўйича тажрибавий маълумотлар мавжуд бўлганда, шаклнинг коэффициентлари қўйидаги формуулалар орқали аниқланиши керак:

$$\beta_i = \frac{a}{2b} C_i \quad (39)$$

$$\beta_v = C_v \quad (40)$$

бу ерда:

C_i ва C_v — инерцион ва тезлик қаршиликлари коэффициентларининг аниқланган тажрибавий қийматлари;


тўлқинлар силлиқ тўсиқларга бурчак остида келганда (эллипс ёки тўғри бурчакли учбурчак кесимда) шакл коэффициентини аниқлаш уларнинг бош ўқлар бўйича қийматлари орасидаги интерполяция орқали аниқланишига йўл қўйилади;

$$\frac{Q_{i,max}}{Q_{v,max}} \geq 2$$


қиймат бўлганда вертикал силлиқ тўсиққа максимал таъсир этувчи

$$Q_{max} = Q_{i,max} \text{ деб}, \quad \frac{Q_{i,max}}{Q_{v,max}} \leq 0,2$$


тўлқин кучини қиймат бўлганда эса $Q_{max}=Q_{v,max}$. бошқа ҳолларда Q_{max} ни мазкур ШНҚнинг 36-формуласи орқали турли ҳолларда олинган бир катор қийматлардан аниқланади.



15-расм. Инерцион (1-чизма) ва тезлик (δ_v) (2-чизма) мужассамлик коэффициентлар қийматларининг түлкін кучи компоненти таъсиридаги графиги



16-расм. Чуқурликнинг инерцион α_i ва тезлик α_v коэффициентлари қийматлари графиги



17-расм. Инерцион β_i ва тезлик β_v шакл коэффициентлари қийматлари графиклари (эллипсли түсиклар учун — туташ чизиклар, призма шакли түсиклар учун эса штрихли чизиклар) a/b га боғлиқ равища (Q , q ва P_x учун) ёки b/a (P_z учун) 1 — ғадир-будир эллипс шаклли түсик учун, 2 — силлиқ түсик учун, 3 — сув ости ғадир-будир ва сув усти қисми силлиқ вертикаль шаклли түсиклар учун

24. z , м, чуқурлиқдаги вертикаль силлиқ түсикқа q , kN/m түлқинлардан бўладиган, түлқинлар таъсирининг максимал кучи остида Q_{max} (мазкур ШНҚнинг 14-а расм) бўлишидаги чизиқли юкланиш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$q = q_{i,max} \delta_{xi} + q_{v,max} \delta_{xv}, \quad (41)$$

бу ерда:

$q_{i,max}$ ва $q_{v,max}$ қуйидаги формулалар орқали аниқланувчи түлқинлардан бўлган максимал чизиқли юкланишнинг инерцион ва тезлик компонентлари, kN/m:


$$q_{i,max} = \frac{1}{2} pg \pi^2 b^2 \frac{h}{\lambda} k_i \Theta_{xi} \beta_i, \quad (42)$$

$$q_{v,max} = \frac{2}{3} pg \pi b \frac{h^2}{\lambda} k_v \Theta_{xv} \beta_v, \quad (43)$$

δ_{xi} ва δ_{xv} , мос равища мазкур ШНҚнинг 1 ва 2-графикларидан, χ қийматида ушбу ШНҚнинг 23-бандига мувофиқ қабул қилинган түлқинлардан бўладиган чизиқли юкланишнинг инерцион ва тезлик компонентларининг мужассамлик коэффициентлари.

θ_{xi} ва θ_{xv} — түлқинлардан бўладиган чизиқли юкланиш коэффициентлари бўлиб, мазкур ШНҚнинг 19-расмининг a ва b чизмалари бўйича нисбий чуқурликнинг

$$\bar{z}_{rel} = \frac{d - z}{d} \quad \text{қийматлари бўйича қабул қилинади.}$$



18-расм. Инерцион δ_{xi} (1-чизма) ва тезлик δ_{xy} (2-чизма) компонентлари түлқинлардан бўладиган горизонтал чизиқли мужассамлик коэффициентлари қийматларининг чизмаси

25. Ҳисобланган сатҳ устидан түлқинланган сатҳнинг ортиши η , м, қуидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$\eta = \eta_{rel} h, \quad (44)$$

бу ерда:

η_{rel} — 20-расм бўйича аниқланувчи түлқинланган сатҳнинг нисбий ортиши.


Ўртacha түлқин чизигининг ҳисобланган сатҳдан Δd , м, ортиши қуидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$\Delta d = (\eta_{c,rel} + 0,5)h, \quad (45)$$

бу ерда:

$\eta_{c,rel}$ — 20-расм бўйича $\chi = 0$ қийматда аниқланувчи түлқин чўққисининг нисбий ортиши.

26. Тўлқин чўққисига нисбатан исталган ҳолда жойлашган, вертикал силлиқланган тўсиқقا x , м, бўлган тўлқин юкланишлари Q ва q мазкур ШНҚнинг 36 ва 41-формулалари орқали аниқланиши керак. Бунда, δ_i ва δ_v коэффициентлари мазкур ШНҚнинг 15-расмининг 1 ва 2-графигидан, δ_{xy} ва δ_{xi} ушбу ШНҚнинг 18-расмнинг 1 ва 2-графикларига мувофиқ қабул қилиниши лозим (белгиланган $\chi = x/\lambda$ қиймат учун).



19-расм. θ_{xi} , θ_{xv} , θ_{zv} тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланиш коэффициентлари графиклари, d/λ бўлганда, 1) 0,1, 2) 0,15, 3) 0,2, 4) 0,3, 5) 0,5, 6) 1, 7) 5 ва $\lambda/h = 40$ — туташ чизиқлар, $\lambda/h = 8-15$ — штрихли чизиқлар

27. Хисобий сув сатҳидан вертикал силлиқланган тўсиқнинг тўлқинлар таъсиридаги максимал куч Q_{max} юкланадиган нуқтасига бўлган масофа $Z_{Q,max}$, м, куйидаги формула орқали аниқланishi зарур:

$$Z_{Q,max} = \frac{1}{Q_{max}} \left(Q_{i,max} \delta_i Z_{Q,i} + Q_{v,max} \delta_v Z_{Q,v} \right), \quad (46)$$

бу ерда:

δ_i ва δ_v — ушбу ШНҚнинг 1 ва 2-чизмаларидан χ нинг Q_{max} га мувофиқ келишидаги қабул қилинувчи коэффициентлар;

$Z_{Q,i}$ ва $Z_{Q,v}$ — мувофиқ равишда инерцион ва тезлик кучлари, т компонентлари таъсир этувчи нуқталар ординатлари бўлиб қуйидаги формулалар орқали аниқланади:


$$z_{Q,i} = \mu_i \zeta_{i,rel} \lambda \quad (47)$$

$$z_{Q,v} = \mu_v \zeta_{v,rel} \lambda \quad (48)$$


бу ерда:

$\zeta_{i,rel}$ ва $\zeta_{v,rel}$ — инерцион ва тезлик күчләри компонентлари таъсир этувчи нүкталарнинг нисбий ординатлари бўлиб, мазкур ШНҚнинг 21-расми графиклари бўйича қабул қилинади;


μ_i ва μ_v — мазкур ШНҚнинг 22-расми чизмалари бўйича қабул қилинувчи фаза инерцион ва тезлик коэффициентлари.



20-расм. η_{rel} коэффициент қийматлари графиги 1 — $d/\lambda=0,5$ ва $\lambda/h=40$ бўлганда, 2 — $d/\lambda=0,5$ ва $\lambda/h=20$, $d/\lambda=0,2$ ва $\lambda/h=40$ бўлганда, 3 — $d/\lambda=0,5$ ва $\lambda/h=10$ бўлганда, шунингдек $d/\lambda=0,2$ ва $\lambda/h=20$ бўлганда, 4 — $d/\lambda=0,2$ ва $\lambda/h=10$ бўлганда коэффициентлар 15-расмнинг 1 ва 2-чизмалари бўйича, δ_{xi} ва δ_{xv} эса 18-расмнинг 1 ва 2-чизмалари бўйича $\chi=x/\lambda$ берилган қиймат учун аниқланади



21-расм. Нисбий ординатлар миқдорлари графиги 1- $\zeta_{i,rel}$ ва 2- $\zeta_{v,rel}$



22-расм. Фаза инерцион μ_i ва тезлик μ , коэффициенти графиги

Хисоб сатҳидан Q куч таъсир этувчи нуқтагача x нинг тўлқин ўркачидан тўсиқча бўлган масофани z_Q мазкур ШНҚнинг 46-формула бўйича аниқланади, бунда δ ва δ_v коэффициентлар мазкур ШНҚнинг 15-расмнинг 1 ва 2-графикларига мувофиқ берилган $\chi=x/\lambda$ қиймат учун қабул қилиниши лозим.

2-§. Горизонтал силлиқ тўсиқча тўлқинлардан бўлган юкланишлар

28. P_{max} , kN/m тўлқинлардан тенг таъсир этувчи чизиқли юкланишнинг максимал қийматини, кўндаланг кесими ўлчамлари $a \leq 0,1\lambda$, m ва $b \leq 0,1\lambda$, m бўлган ва $z_c \geq b$, бироқ $(z_c - \frac{b}{2}) > \frac{h}{2}$ ва $(d - z_c) \geq b$ бўлгандаги горизонтал силлиқ тўсиқча бўлган таъсири қуйидаги формула орқали аниқланиши лозим. (ушбу ШНҚнинг 14-б расм):


$$P_{max} = \sqrt{P_x^2 + P_z^2} \quad (49)$$

икки ҳолатлар учун:

максимал ташкил этувчи горизонтал чизиқли юкланишни $P_{x,max}$, kN/m, вертикал чизиқли ташкил этувчи юкланишнинг тегишли қийматида P_z , kN/m;

максимал вертикал ташкил этувчи чизиқли юкланиш $P_{z,max}$, kN/m, унга мувофиқ равишдаги чизиқли юкланишнинг P_x , kN/m, горизонтал ташкил этувчиси қийматида.

Тўлқин чўққисидан тўсиқ марказигача бўлган масофа x , m, максимал чизиқли юкланишлар таъсирида $P_{x,max}$ ва $P_{z,max}$, $\chi=x/\lambda$ нинг нисбий катталигида ушбу ШНҚнинг 18 ва 23-расмларига мувофиқ қабул қилинади.



23-расм. Тўлқинлардан, вертикал чизиқли юкнинг инерцион δ_{xi} (1-графиклар) ва тўлиқ компонентларини йиғиндиси коэффициентлари қиймати графиги δ_{zv} — (2-графиклар)

29. Тўлқинлардан бўладиган чизиқли юкланишнинг горизонтал ташкил этувчиси максимал қийматининг $P_{x,max}$, kN/m, горизонтал силлиқ тўсиққа тасдири ёнинг турли қийматларида қабул қилинувчи бир қатор катталиклардан қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{x,max} = P_{xi} \delta_{xi} + P_{xv} \delta_{xv}, \quad (50)$$

бу ерда:

P_{xi} , P_{xv} — тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланишнинг горизонтал ташкил этувчилари инерцион ва тезлик компонентлари бўлиб, kN/m қуидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$P_{xi} = \frac{1}{2} \rho g \pi^2 b^2 \frac{h}{\lambda} k_v \theta_{xi} \beta_i \quad (51)$$

$$P_{xv} = \frac{2}{3} \rho g \pi b \frac{h^2}{\lambda} k_v^2 \theta_{xv} \beta_v, \quad (52)$$

δ_{xi} ва δ_{xv} — тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланишнинг инерцион ва тезлик компонентлари мужассамлик коэффициентлари бўлиб, ушбу ШНҚнинг 1 ва 2-чизмалари бўйича мос равишда ушбу ШНҚнинг 23-бандидаги χ қийматларида қабул қилинади;

θ_{xi} ва θ_{xv} — ифодалар ҳам мазкур ШНҚнинг 24-банди келтирилган;

β_i ва β_v — мазкур ШНҚнинг 17-расми графикларига мувофиқ a/b горизонтал ва b/a вертикал юкланиш қиймати учун қабул қилинади, кўндаланг кесим айлана, эллипс ва тўғри тўртбурчак шаклидаги тўсиқнинг инерцион ва тўлиқ коэффициенти.

30. Горизонтал силлиқ тўсиққа $P_{z,max}$, kN/m, тўлқинлардан бўладиган чизиқли юкланишнинг вертикал ташкил этувчиси максимал қийматини χ нинг турли қийматларида олинувчи бир қатор катталикларида, қуидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$P_{z,max} = P_{zi} \delta_{zi} + P_{zv} \delta_{zv}, \quad (53)$$

бу ерда:

P_{zi} ва P_{zv} — тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланишнинг вертикал ташкил этувчилари инерцион ва тезлик компонентлари бўлиб, kN/m, қуидаги формулалар орқали аниқланади:

$$P_{zi} = \frac{1}{2} \rho g \pi^2 a^2 \frac{h}{\lambda} k_v \theta_{zi} \beta_i; \quad (54)$$

$$P_{zv} = \frac{2}{3} \rho g \pi a \frac{h^2}{\lambda} k_v^2 \theta_{zv} \beta_v, \quad (55)$$

δ_{xi} ва δ_{xv} — инерцион ва тезлик мужассамлик коэффициенти бўлиб, мазкур ШНҚнинг 23-расми 1 ва 2-графиклари бўйича χ нинг мазкур ШНҚнинг 23-бандига мувофиқ қийматларида қабул қилинади;

θ_{xi} ва θ_{xv} — тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланиш коэффициенти бўлиб, мос равишда мазкур ШНҚнинг 19-расми ϑ ва φ графиклари бўйича нисбий ординаталар қийматларида қабул қилинади:

$$Z_{c,rel} = \frac{d - xc}{d};$$

β_i ва β_v — ифодалар мазкур ШНҚнинг 29-банди каби бўлади.

31. Тўлқин чўққисига нисбатан исталган ҳолатда x жойлашган горизонтал силлиқ тўсиққа тўлқинлардан бўладиган чизиқли юкланишни ташкил этувчи горизонтал P_x , kN/m ёки P_z , kN/m ларнинг қийматлари мос равишда мазкур ШНҚнинг 50 ёки 53-формулалари орқали аниқланиши, бунда, δ_{xi} ва δ_{xv} ёки δ_{zi} ва δ_{zv} мужассамлик коэффициентлари мазкур ШНҚнинг 18 ва 23-расмларидағи графиклар бўйича $\chi = x/\lambda$ берилган қийматлар каби қабул қилинади.

32. Тўлқинлардан бўладиган тенг таъсир этувчи чизиқли юкланишлар максимал қиймати P_{max} , kN/m нинг тубда ётувчи цилиндрик тўсиққа таъсири мазкур ШНҚнинг 14-б расмига кўра унинг диаметри $D \leq 0,1\lambda$ m ва $D \leq 0,1d$ m мазкур ШНҚнинг 49-формуласи бўйича мазкур ШНҚнинг 28-бандида келтирилган ҳолат учун аниқланиши лозим.

33. Тубда ётувчи цилиндрик тўсиққа таъсир этувчи максимал горизонтал $P_{x,max}$, kN/m, ва мос равишдаги вертикал P_z , kN/m тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланиш проекциялари қуидаги формуулалар орқали аниқланиши лозим:

$$P_{x,max} = P_{xi}\delta_{xi} + P_{xv}\delta_{xv}; \quad (56)$$

$$P_z = -\frac{9}{5}P_{xv}\delta_{xv} \quad (57)$$

бу ерда:

P_{xi} ва P_{xv} — тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланишнинг kN/m, горизонтал ташкил этувчисининг мос равишдаги инерцион ва тезлик компонентлари бўлиб, қуидаги формула орқали аниқланади:

$$P_{xi} = \frac{3}{4}\rho g \pi^2 D^2 \frac{h}{\lambda} \theta_{xi} \quad (58)$$

$$P_{xv} = \rho g \pi D \frac{h^2}{\lambda} \theta_{xv}, \quad (59)$$

δ_{xi} ва δ_{xv} , θ_{xi} ва θ_{xv} — ифодалар ушбу ШНҚнинг 29-банди каби.

Тўлқинлардан бўлган чизиқли юкланишнинг максимал вертикал $P_{x,max}$, kN/m ва мос

$$P_{z,max} = -\frac{9}{5}P_{xv} \text{ ва } P_z = P_{xv}$$

равишда горизонтал P_x , kN/m проекциялари

тенг деб

3-§. Вертикал силлиқ тўсиққа парчаланувчи тўлқинлардан бўладиган юкланишлар

34. Диаметри $D \leq 0,4d_{cr}$, m бўлган вертикал цилиндрик тўсиққа, парчаланувчи (бузилувчи) тўлқинларнинг таъсиридан $Q_{cr,max}$, kN, максимал кучини, тўлқин ўркасидан бир қатор ҳолатлари учун хосил қилинган тўлқинлар таъсиirlари кучининг айrim қийматлари бўйича (24-а расм) $0,1x/d_t$, оралиқда $x/d_t=0$ дан бошлаб аниқланиши, бунда x — парчаланувчи тўлқин ўркасидан вертикал цилиндрик тўсиқ ўқигача бўлган масофа ҳисобланади.

Цилиндрик тўсиқнинг тўлқин чўққисига нисбатан исталган ҳолати учун тўлқинлар таъсир кучи Q_{cr} , kN қуидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{cr} = Q_{i,cr} + Q_{v,cr} \quad (60)$$

бу ерда:

$Q_{i,cr}$ ва $Q_{v,cr}$ — парчаланувчи түлқинлар таъсирида бўлган кучларнинг инерцион ва тезлик компонентлари kN бўлиб қуидаги формулалар орқали аниқланади:

n_t — гидротехника иншоотида бўлган устунларнинг умумий сони;

K_1 — қўйидаги формула орқали аниқланувчи коэффициент:

$$K_1 = 0,83 + 0,17n_t^{-1/2}; \quad (131)$$

K_2 — мазкур ШНҚнинг 42-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент

$h_d, F_{b,p}, b$ и k — белгиланишлар мазкур ШНҚнинг 61 ва 63-бандларида келтирилган.



39-расм. Ҳаракатланаётган муз майдонининг вертикал устунлар тизимидан иборат бўлган гидротехника иншоотига бериладиган юкланиши схемаси

42-жадвал

b/a қиймати	0,1 ва ундан кам	0,5	1
K_2 коэффициенти	1	$0.55+0.45\frac{k_n}{k}$	$\frac{k_n}{k}$

бу ерда:

a — устунлар қадами, м;

k_n — 39-жадвал бўйича қабул қилинувчи ($n_f b$) / h_d бўлгандаги коэффициенти;

n_f — гидротехника иншооти олд кўлами бўйлаб биринчи қатордаги устунлар сони.

Мазкур ШНҚнинг 132-формуласи бўйича аниқланувчи коэффициент қийматлари K_1 музнинг бир ўки бўйича сиқилишидаги 0,2 га teng бўлган мустаҳкамликка мувофиқ бўлиши лозим.

70. Ҳаракатдан тўхтаган муз майдонининг сув оқими ва шамол таъсирида гидротехника иншоотига ўюлиб келган тарзда таъсиридан бўладиган юкланиш F_s , MN, куйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$F_s = (p_\mu + p_v + p_i + p_{\mu.a})A, \quad (132)$$

Бунда, қийматлар p_μ , p_v , p_i и $p_{\mu.a}$, MPa қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$p_\mu = 5 \cdot 10^{-6} V_{max}^2; \quad (133)$$

$$p_v = 5 \cdot 10^{-4} \frac{h_d V_{max}^2}{L_m}; \quad (134)$$

$$p_i = 9,2 \cdot 10^{-3} h_d i; \quad (135)$$

$$p_{\mu.a} = 2 \cdot 10^{-8} V_{w.max}^2, \quad (136)$$

бу ерда:

V_{max} — 1 фоиз таъминланганлик билан муз остидаги сув оқимининг максимал тезлиги, м/с;

$V_{w.max}$ — 1 фоиз таъминланганлик билан муз силжиш давридаги шамолнинг максимал тезлиги, м/с;

L_m — оқим йўналиши бўйича муз майдонининг ўртача узунлиги бўлиб, амалий кузатишлар маълумотлари бўйича қабул қилинади улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса дарёлар учун L_m дарёнинг кенглигини уч баробарига teng қилиб олинади, м;

i — оқим юзасининг нишиби;

h_d ва A — белгиланишлар ҳам мазкур ШНҚнинг 65 ва 67-бандларида белгиланганидек бўлади.

Бунда, мазкур ШНҚнинг 133-формуласи орқали аниқланган F_s юкланиш ушбу ШНҚнинг 125-формуласи бўйича аниқланган $k_v = 0.1$ бўлгандаги $F_{b,w}$ юкланишдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.


Муз майдонининг ҳисобий кенглиги амалий кузатишлар маълумотлари бўйича қабул қилинади ҳамда затворлар ёки шу каби гидротехника иншоотлари учун иншоотнинг устунлар оралиғи (қулочи) кенглигидан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

71. Мазкур ШНҚнинг 63 — 66-бандларига мувофиқ аниқланган тенг таъсир этувчи муз юкланиши берилиши нуқтасини сувнинг ҳисоб сатҳидан қиши даврида $0.2h_d$, баҳорги муз силжиш даврида эса $0.4h_d$ миқдорга паст ҳолда қабул қилиниши лозим.

3-§. Гидротехника иншоотларига ялпи муз қопламидан унинг ҳароратли кенгайишидаги бўладиган юкланишлар

72. Муз қопламидан унинг ҳарорати ортишидан бўладиган горизонтал чизиқли юкланишини q , MN/m (узунасига кетган гидротехника иншоотининг кўлами бўйича 1 m узунлигига) бир неча йиллар давомида кўриб чиқилувчи маълумотларнинг энг катта қийматига тенг қилиб олиниши лозим.

q қиймат мазкур ШНҚнинг 40-расми бўйича ҳаво ҳароратининг ўзгаришларининг берилган қийматларида $\Delta\theta$, °C ва уларга мувофиқ равишда музнинг ҳақиқий ва келтирилган қалинликлари h_c , m ва h_{red} , m бўйича аниқланади.



40-расм. Чизиқли юкланиш q қийматлари графиги

$\Delta\theta$ қиймат ҳар қайси йил учун кўриб чиқилаётган қатор йиллар (30 йил ва ундан ортиқ) ўзгаришларнинг 5 h дан 2,0 d гача бўлган музлаб тургандарни кузатиш маълумотлари бўйича ҳароратлар бориши графиги бўйича танланади.

h_c қийматлар ҳарорат ўзгариши вақти мобайнидаги музнинг ўртача қалинлигига тенг қилиб олиниади.

h_{red} , m, қуйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$h_{red} = h_c + 1,43h_s + h_r, \quad (137)$$

бу ерда:

h_s — ҳарорат ўзгариши вақтидаги қорнинг ўртача қалинлиги, m;

h_r — музнинг қўшимчча қалинлиги, m мазкур ШНҚнинг 43-жадвали бўйича қабул қилинади.

43-жадвал

Харорат ўзгариши пайтидаги шамолнинг ўртача тезлиги V_w , м/с	Ўзгариш вақти мобайнидаги ҳавонинг ўртача ҳароратидаги θ_d $^{\circ}\text{C}$ музнинг қўшимча қалинлиги h_r , м		
	0	-10	-20
0	0.57	0.46	0.39
2.5	0.32	0.26	0.22
5	0.16	0.14	0.12
10	0.05	0.05	0.05
20	0.01	0.01	0.01

73. Муз қоплами таъсиридан бўладиган юкланиш алоҳида турган гидротехника иншооти учун F_t , MN қуийдаги формула орқали аниқланниши лозим:

$$F_t = k_l q b, \quad (138)$$

бу ерда:

k_l — 44-жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент;

b ва q — белгиланишлар мазкур ШНҚнинг 64 ва 69-бандлари каби бўлади.

Бунда, мазкур ШНҚнинг 138-формуласи бўйича аниқланган F_t юкланиш, қуийдаги формула орқали аниқланувчи $F_{t.b}$, MN юкланишдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

$$F_{t.b} = R_c b h_c, \quad (139)$$

бу ерда:

R_c — белгиланиш мазкур ШНҚнинг 60-банди каби бўлади.

44-жадвал

L/b қиймат	1	5	15	25	50	75	100
k_l коэффициенти	1	2	4	6	10	14	17

L — алоҳида турган гидротехника иншоотидан қирғоққача ёки узунасига кетган гидротехника иншоотигача бўлган масофа, м.

74. Мазкур ШНҚнинг 71 ва 72-бандларига мувофиқ аниқланган музнинг teng таъсир этувчи юкланиши берилиш нуктасини сувнинг ҳисоб сатхидан $0.25h_c$ микдорга паст қилиб қабул қилиш лозим.

4-§. Муз ва қорларнинг тўпланиб қолишидаги муз массаларидан гидротехника иншоотларига бўладиган юкланишлар

75. Тўпланган ҳаракатдаги муз массаларидан алоҳида турган таянчга бўладиган юкланишни $F_{b.i}$, MN қуийдаги формула орқали аниқланади:

$$F_{b.i} = 0.5mR_{b.i}bh_{b.i}, \quad (140)$$

бу ерда:

$R_{b.i}$ — амалий кузатишлар маълумотлари бўйича аниқланувчи тўпланиб келган муз массаси эзилишга бўлган меъёрий қаршилиги улар мавжуд бўлмаган тақдирда 0,25 МPa га teng қилиб олинишига йўл қўйилади.

$h_{b.i}$ — амалий кузатишлар маълумотлари бўйича аниқланувчи тўпланиб қолган муз массаси ҳисобий қалинлиги, улар мавжуд бўлмаган тақдирда қуийдаги формула орқали:

$$h_{b.i} = a_i H_{b.i}, \quad (141)$$

a_i — ушбу ШНҚнинг 45-жадвали бўйича қабул қилинувчи коэффициент;

$H_{b.i}$ — музларни тўпланиб юриш даври сувнинг максимал сарфидаги муз тўпламлари усти бўйича дарёнинг ўртача чуқурлиги, м.

m , b — белгиланиш мазкур ШНҚнинг 63-банди каби бўлади.

45-

жадвал

$H_{b.i}$ қиймат	3	5	10	15	20	25
------------------	---	---	----	----	----	----

a_i коэффициенти	0.85	0.75	0.45	0.40	0.35	0.28
--------------------	------	------	------	------	------	------

76. Тўпланган ҳаракатдаги муз ва музлаб улгурмаган қор массаларининг алоҳида турган таянчга бўладиган юкланишлари $F_{b,j}$, MN қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$F_{b,j} = m R_{b,j} b h_j, \quad (142)$$

бу ерда:

$R_{b,j}$ — муз ва қор тўпламининг эзилишга бўлган меъёрий қаршилиги MPa бўлиб, амалий кузатишлар маълумотлари бўйича аниқланиси, улар мавжуд бўлмаган тақдирда 0,12 MPa га тенг қилиб олинисига йўл қўйилади;

h_j — амалий кузатишлар маълумотлари бўйича аниқланувчи, муз-қор тўпламигининг ҳисобий қалинлиги, m улар мавжуд бўлмаган тақдирда муз-қор тўпланиши даври сув сарфидаги оқимнинг ўртacha чукурлигининг 0,8 га тенг қилиб олишга йўл қўйилади;

m, b — белгиланиши 67-банди каби бўлади.

5-§. Гидротехника иншоотига музлаб ёпишган муз қопламигининг сув сатҳи ўзгаришидаги юкланиши

77. Гидротехника иншоотига музлаб ёпишган муз қопламигининг сув сатҳи ўзгаришидаги келтирадиган вертикал чизиқли юкланишини (гидротехника иншооти кўлами бўйича 1 m узунликка) f_d , MN/m (мазкур ШНҚнинг 41-расми) қўйидаги формула орқали аниқланиси лозим:


$$f_d = 0,2 h_o \sqrt[4]{h_{\max}^3} \quad (143)$$

$$h_o \leq h_{\max};$$

бу ерда:

h_o — сув сатхининг ўзгариши, m бу ерда:

h_{\max} — 1 фоиз таъминланганлик билан муз қопламигининг максимал қалинлиги, m.



41-расм. Гидротехника иншоотига музлаб ёпишган қопламигининг, сув сатҳини ўзгаришидаги (УВ), гидротехника иншоотига берадиган юкланиш схемаси:

a — УВ — сув сатхининг пасайишида;

б — УВ — сув сатхининг кўтарилишида;

УВЛ — батамом музлашдаги сув сатҳи

Бунда, мазкур ШНҚнинг 143-формуласи бўйича аниқланган юкланиш f_d , қўйидаги формула орқали аниқланувчи $f_{d,lim}$, MN/m юкланишдан катта бўлишига йўл қўйилмайди:

$$f_{d,lim} = 0.007 \sqrt[4]{h_{\max}^3} (\sigma_{c,lim} + \sigma_{t,lim}), \quad (144)$$

бу ерда:

$\sigma_{c,lim}$ — эгилувчи муз қопламининг сиқилган қатламидаги чегаравий кучланиш МРа бўлиб, муз қопламининг пастки қатлами учун 0°C ҳарорат остида сув сатхини пасайиши ёки муз қопламининг устки қатлами учун t_u ҳарорат остида сув сатхининг кўтарилиши ҳолатларида ($c_i + \Delta_i$) каби аниқланади;

$\sigma_{t,lim}$ — эгилаётган муз қопламининг чўзилган қатламидаги чегаравий кучланиш МРа бўлиб, муз қатламининг юқори қатлами учун сув сатхининг пасайиши тақдирда t_u ҳарорат остида б ёки муз қатламининг пастки қатлами учун 0°C ҳарорат остида сув сатхининг кўтарилишда) $0.3(c_i + \Delta_i)$ каби аниқланади;

c_i, Δ_i, t_u ва t_b — белгиланишлар мазкур ШНҚнинг 64-банди каби бўлади.

78. Сув сатхининг ўзгаришида музлаб ёпишган муз қопламидан узунасига кетган гидротехника иншоотининг 1 м қисмидан қабул қилинган куч моменти M_l , MN·m/m мазкур ШНҚнинг 41-расмига кўра қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_l = 2.6h_0\sqrt{h_{max}^3} \quad (145)$$

бу ерда:

h_0, h_{max} — белгилашлар мазкур ШНҚнинг 73-банди каби бўлади.

Бунда, мазкур ШНҚнинг 145-формуласи бўйича аниқланган куч моменти M_l қўйидаги формула орқали аниқланувчи $M_{l,lim}$, MN·m/m моментдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди:

$$M_{l,lim} = \frac{h_{max}^2(\sigma_{c,lim} + \sigma_{t,lim})}{12} \quad (146)$$

бу ерда:

$\sigma_{c,lim}, \sigma_{t,lim}$ — белгилашлар мазкур ШНҚнинг 73-банди каби бўлади.

79. Сув сатхининг ўзгаришидаги алоҳида турган таянчга ёки қоқилган қозик устунлар дастасига гидротехника иншоотига музлаб ёпишган муз қопламидан бўладиган юкланиш $F_{d,p}$ мазкур ШНҚнинг 42-расмига кўра қўйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$F_{d,p} = k_f R_f h_{max}^2, \quad (147)$$

бу ерда:

k_f — қўйидаги формула орқали аниқланувчи коэффициент:

$$k_f = 0.6 + 0.15D/h_{max}, \quad (148)$$


$$D = \sqrt{bc}$$

бу ерда:

D — таянч ёки қоқилган қозик устунларнинг кўндаланг кесими (диаметри), m;

R_f ва h_{max} — белгиланишлар мазкур ШНҚнинг 64 ва 77-бандлари каби бўлади.

Таянчнинг тарҳдаги b ва c, m томонлар асосидаги тўғри тўртбурчак шаклида ёки устунлар тизимидан ташкил топган гидротехника иншооти учун ёки таянч қисми ташки қамровлари b ва c, m муз таъсир сатхидаги бўлган қоқилган қозик устунлар дастаги учун (m) деб қабул қилинишига йўл қўйилади.



42-расм. Алоҳида турган таянчга музлаб ёпишган қопламнинг сув сатҳи ўзгаришидаги кўрсатадиган юкланиши

a — сув сатҳи камайишида;
b — сув сатҳи ортишида

80. Вертикал устунлар мажмуасидан тузилган гидротехника иншооти таянчларига музлаб ёпишган муз қопламининг сув сатҳи ўзгаришидаги юкланиши F_{df} , MN (43-расм) куйидаги формула орқали аниқланниши лозим:

$$F_{df}=K F_{d,p}, \quad (149)$$


бу ерда:

k — устунлар учун K_k коэффициентлари ҳосиласи сифатида аниқланувчи коэффициент мазкур ШНҚнинг 44-расми графиги бўйича a_k, b ва h_{max} берилган қийматларида қабул қилинувчи.


$$K = \prod_{k=1}^{n_t=1} K_k;$$

a_k — эркин танланган асосий устунининг ўқигача бўлган масофа (43-расмда келтирилган), m;

b , n_t , h_{max} ва $F_{d,p}$ — белгилашлар мазкур ШНҚнинг 67, 69, 77 ва 79-бандлари каби белгиланиши лозим.



43-расм. Вертикал устунлар мажмуасидан иборат гидротехника иншоотига музлаб ёпишган муз қопламини сув сатҳи кўтарилишидаги юкланиши схемаси
(сув сатҳи пасайишида куч пастга қараган бўлади)



44-расм. K_k коэффициентининг қийматлари чизмаси

ШНҚ 2.06.04-21 «Гидротехника
иншоотларига бўладиган юкланиш ва
таъсиrlар» шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
1-ИЛОВА

Очиқ ва ўралган акваторияларда тўлқин элементларини аниқлаш

1. Очиқ ва ўралган акваторияларда тўлқин элементларини аниқлашда тўлқин вужудга келтирувчи омиллар ҳисобга олиниши (шамол тезлиги унинг қиймати ва йўналиши, сув юзасида шамолнинг узлуксиз ҳаракатининг давомийлиги, шамол қамровидаги акваториянинг ўлчами ва шакллари, сув сатҳини ўзгариб туриши, сув омбори тубининг тузилиши ва чуқурлиги) лозим.

2. Сувнинг ҳисоб сатҳи ва шамолнинг тавсифлари бир қатор кўп йиллик мусиз мавсумлардаги қузатувларга статистик ишлов бериш натижалари бўйича аниқланиши лозим (камида 25 йил), бунда сувнинг ҳисобий сатҳлари ҳайдалиш, мавсумий ва сатҳларнинг йиллик ўзгаришини ҳисобга олингани ҳолда аниқланиши лозим.

3. Тўлқин элементлари ҳисоблари сув омборининг қуйидаги чуқурликлар бўйича доираларга бўлинишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим:

чуқур сув — $d > 0.5\lambda_d$ чуқурликда. Бунда, сув туби тўлқинларнинг асосий тавсифномаларига таъсир кўрсатмайди;

саёз сув — $0.5\lambda_d \geq d > d_{cr}$ чуқурликда. Бунда, сув туби тўлқинлар ривожига ва асосий тавсифномаларига таъсир этади;

кирғоқка урилувчи — d_{cr} дан $d_{cr.u}$ гача бўлган чуқурлик, сув тўлқинлари бузилиши бошланиш ва тугалланиш доираси;

сув горизонт сатҳи — $d_{cr.u}$ дан кам чуқурлик. Бунда, парчаланган тўлқинлардан бўлган оқим даврий равишда қирғоқка урилиб туради.

4. Гидротехника иншоотлари ва улар элементларининг тургунлиги ва мустаҳкамлигини мужмуадаги тўлқинлар баландликларининг ҳисобий таъминланганлиги қуйидаги 1-жадвал орқали аниқланиши лозим.

1-жадвал

Гидротехник иншоотлари	Мажмуадаги тўлқин баландлиги ҳисобий таъминланганлиги, фоиз
Вертикал кесимли гидротехника иншоотлари	
Икки ёки очиқ ва қуйидаги синфга мансуб тўсиқлар	1
I	1
II	5
III, IV	13
Куйидаги синфга мансуб қирғоқ маҳкамлаш гидротехника иншоотлари::	
I, II	1
III, IV	5
Кия кесимли маҳкамланишлар билан бўлган чегараловчи гидротехника иншоотлари:	
Бетон плиталар билан	1
Тош ётқизилган оддий ёки шаклдор массивлар билан	2

Изоҳлар:

1. Гидротехника иншоотларига бўладиган юкланишларини \bar{h} аниқлашда мажмуудаги берилган таъминланган тўлқин баландлигини h_i ва ўртacha $1,4\bar{h}$ ин

узунлигини деб олининиши, икки ёзи очиқ қурилмалар учун ҳисобий тұлқин узунлигининг 0,8 дан чегараларда ўзгаришидаги тұлқин максимал таъсири аниқланади.

2. Тизимдеги тұлқинлар ҳисобий баландлығини таъминланиши құйидагича қабул қилинини лозим:

бандаргоҳ акваторияларининг ҳимояланғанлығини аниқлаша.....5 фоиз;

тұлқинлар қырғокқа келишини аниқлаша.....1 фоиз.

3. Очиқ акваторияларда қурилувчи икки ёзи очиқ гидротехника иншоотларининг баландлық белгиларини тайинланишида, тизимде тұлқинлар баландликтерини ҳисобий таъминланишини тегишили асослаш билан 0,1 фоиз деб қабул қилининиша йүл құйилади.

Сувнинг ҳисобий сатхлари

5. Сатхларнинг ҳисобий таъминланғанлығи кунидаги йиллар мұзсиз даври энг юқори сатхларидан ортиқ бўлмаслиги (1 фоиз 100 йилда 1 марта, II ва III синф учун — 5 фоиз 20 йилда 1 марта, IV синф учун эса 10 фоиз 10 йилда 1 марта) лозим.

6. Шамол босиб келиш баландлығи Δh_{set} , т амалий кузатишлар маълумотлари асосида, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса (тубнинг доимий чуқурлигидаги d қирғоқ чизиги шаклини ҳисобга олмаган ҳолда) кетма-кетликда яқинлашиш услуби орқали қуидаги формула орқали аниқлашга йўл қўйилади:

$$\Delta h_{set} = k_w \frac{V_w^2 L}{g(d + 0,5\Delta h_{set})} \cos\alpha_w, \quad (150)$$

бу ерда:

a_w — сув омборининг узунасига бўлган ўқи билан шамол йўналиши орасидаги бурчак, градус;

V_w — шамолнинг ҳисобий тезлиги;

L — қувиши, м;

k_w — 2-жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент.

2-жадвал

Шамол тезлиги V_w , м/с	20	30	40	50
$k_w \cdot 10^6$	2,1	3	3,9	4,8

Шамолнинг ҳисобий тавсифномалари

7. Шамол тұлқинлари элементлари ва шамол босиб келишини аниқлашда гидротехника иншоотларининг қуидаги синflари учун ҳисобий бўрон таъминланишлари I,II синф учун — 2 фоиз (50 йилда 1 марта) ва III, IV синф учун — 4 фоиз (25 йилда 1 марта) қилиб олинини лозим.

I ва II синф гидротехника иншоотлари учун ҳисобий бўрон таъминланишлари 1 фоиз (100 йилда 1 марта) асослашлар билан қабул қилинини лозим.

8. Сув сатхи таъминланиши билан шамол тезлигини таъминланиши бир турдалиги, I ва II синф иншоотлари учун сув омборларининг мўътадил тўғонли босимда (МТБ) 5 ва 7-бандларга мувофиқ қабул қилинини ва амалий кузатишлар маълумотлари асосида аниқланиши керак.

9. Сув омборининг юзаси устидаги 10 м баландликдаги шамолнинг ҳисобий тезлиги V_w , м/с, қуидаги формула орқали аниқланади:

$$V_w = k_{fl} k_l V_l, \quad (151)$$

бу ерда:

V_l — VI — ер юзасидан 10 м баландликдаги шамол тезлиги (сув омборининг) бўлиб, ўртача қийматга келтириш ва таъминлашнинг 10-минутли оралиғига мувофиқ равишда 7-банд бўйича қабул қилинади, k_{fl} — флюгер бўйича ўлчанган шамол тезликлари бўйича берилганларни ҳисоблаш коэффициенти бўлиб қуидаги формула орқали аниқланади:

$$k_{fl} = 0.675 + \frac{4.5}{V_l},$$

бироқ, 1 дан ортиқ эмас;

k_l — хос бўлган 20 km гача масофага чўзилган сув омборлари учун (шу жумладан лойиҳалаштирилувчи) тезликни сув юзаси шароитларига келтириш коэффициенти бўлиб, қуидагича қабул қилинади:

текис сув юзаси, текис қумли (қирғоқ бўйлари қум тепалари ва бошқалар) ёки қор билан қопланган ерлар устидаги шамол тезлиги ўзгаришида V_l бирга тенг қилиб;

шамол юкланишлари ва уларга қўшимчалар билан ўрнатилувчи A, B ёки C туридаги жойлар устидаги шамол тезлигини ўзгаришида 3-жадвал бўйича аниқланади.

3-жадвал

Шамол тезлиги, V_l , m/s	Жой турларидаги k_l коэффициенти қиймати		
	A	B	C
10	1.1	1.3	1.47
15	1.1	1.28	1.44
20	1.09	1.26	1.42
25	1.09	1.25	1.39
30	1.09	1.24	1.38
35	1.09	1.22	1.36
40	1.08	1.21	1.34

10. Тўлқин элементларини аввалдан аниқлашда, шамолнинг берилган ҳисобий тезлиги V_w , m/s учун тезлашиш ўртacha қийматини, m, қуидаги формула орқали аниқлашга йўл қўйилади:

$$L = k_{vis} \frac{\nu}{V_w}, \quad (152)$$

бу ерда:

k_{vis} - $5 \cdot 10^{11}$ га тенг қилиб олинувчи коэффициент;

ν - $10^{-5} \text{ m}^2/\text{s}$ га тенг қилиб олинувчи, ҳавонинг кинематик қовушқоқлик коэффициенти.

Чегаравий тезлашиш қийматини L_u , m, шамолнинг берилган ҳисобий тезлиги учун V_w , m/s қуидаги 4-жадвал бўйича қабул қилинишига йўл қўйилади.

4-жадвал

Шамол тезлиги V_w , m/s	20	25	30	40	50
Чегаравий тезлашиш қиймати $L_u \cdot 10^{-3}$, m/s	1600	1200	600	200	100

11. 100 km дан кам бўлган тезлашишлардаги шамолнинг ҳисобий тезликларини, шамол тезликларини ҳар йилги максимал тезликларини, улар давомийлигини ҳисобга олмаган ҳолдаги қузатишлар маълумотлари бўйича аниқлашга йўл қўйилади.

12. 100 km дан ортиқ бўлган тезлашишлардаги шамолнинг ҳисобий тезликлари, уларни фазовий тақсимланишларини ҳисобга олган ҳолда мазкур ШНҚнинг 2-иловасига асосан аниқланади.

Чуқур сув доирасидаги тўлқин элементлари

13. Чуқур сув доирасидаги ўртacha баландлик $\bar{h_d}$, m ва ўртacha тўлқин даври \bar{T} , 1-расмдаги юқори букувчи эгри чизиги бўйича аниқланади.

Ўлчамсиз катталиклар қийматлари gt/V_w ва $gL/\bar{V_w}^2$ ва юқори айланиб ўтиш эгри чизиги бўйича $g\bar{h_d}/\bar{V_w}^2$ ва $g\bar{T}/\bar{V_w}$ қийматларини аниқлаш ва уларнинг кичик миқдорлари бўйича тўлқинларнинг ўртacha баландлигини аниқланиши ва ўртacha тўлқин даври қабул қилинниши лозим. \bar{T} нинг маълум қийматида тўлқиннинг ўртacha узунлиги λ_d m қуидаги формула орқали аниқланади:

$$\overline{\lambda_d} = \frac{g\overline{T^2}}{2\pi}, \quad (153)$$

Түлқинлар тезлашиши бўйича шамолнинг ўзгарувчан тезликларида, $\overline{h_d}$ ни шамол тезлигининг доимий қийматлари билан бўлган қисмлар учун тўлқин баландликларини кетма-кетлиқда аниқлаш натижалари бўйича қабул қилишга йўл қўйилади.

14. Қирғоқ чизигининг мураккаб шаклларида ўртача тўлқин баландлиги $\overline{h_d}$, м қўйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$\overline{h_d} = \sqrt{25\overline{h_1^2} + 21(\overline{h_2^2} + \overline{h_{-2}^2}) + 13(\overline{h_3^2} + \overline{h_{-3}^2}) + 3,5(\overline{h_4^2} + \overline{h_{-4}^2})} \quad (154)$$

Бунда, h_n , м ($n=1; \pm 2; \pm 3; \pm 4$ бўлганда) тўлқинлар ўртача баландлиги 1-расмга мувофиқ шамол йўналишига мос тушувчи асосий нур йўналишига бўлган шамолнинг ҳисобий тезлиги ва L_n , м, нурлар проекциялари бўйича қабул қилиниши лозим.

Нурлар ҳисобий нуқтадан қирғоқ чизиги билан кесишгунча асосий нурдан $\pm 22,5$ оралиқ билан ўтказилади.

Ҳисобий тўғон чизиги олдида 22,5 градусдан кам бурчак ўлчамларига эга бўлган ҳамда бурчак ўлчамлари йиғиндиси 22,5 градусдан катта бўлган оролчалар кўринишидаги кўп сонли тўсиқлар мавжуд бўлганда, n бўлимдаги ўртача тўлқин баландлиги $\overline{h_n}$, м, қўйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$\overline{h_n} = \sqrt{\sum_{i=1}^{k_n} \alpha_{ni} \overline{h_{ni}^2} + \sum_{j=1}^{l_n} \nu_{nj} \overline{h_{nj}^2}} \quad (155)$$


бунда, α_{ni}, ν_{nj} — нур йўналишидан $\pm 11,25$ градус оралиқда тайинланувчи n — бўлим доираларида 22,5 градус ($i=1,2,3,\dots,k_n; j=1,2,3,\dots,l_n$), бурчакка тааллуқли бўлган кўшни тўсиқлар j — оралиги ва i — тўсиқларнинг мувофиқ равищдаги бурчакли ўлчамлари;

$\overline{h_{ni}}, \overline{h_{nj}}$ м ўртача тўлқин баландликлари шамолнинг ҳисобий тезлиги ва шамол йўналиши L_{ni}, L_{nj} , м нурлар проекциясига teng бўлган тезлашиш L бўйича 1-расмга биноан аниқланади. L_{ni} ва L_{nj} нурлар мувофиқ равищда ҳисобий нуқтадан i — тўсиқ ёки j — оралиқдаги шамол остидаги қирғоқни кесишишигача бўлган масофага teng.

Тўлқинларнинг ўртача даври ўлчамсиз маълум катталиқда $g\overline{h_d}/V_w^2$ 1-расмга мувофиқ қабул қилинувчи $g\overline{h_d}/V_w^2$ ўлчамсиз миқдор бўйича аниқланади.


Тўлқинларнинг ўртача узунликлари (153) формула орқали аниқланиши лозим.

Агар миқдор $L_{max}/L_{min} \geq 2$ бўлса, қирғоқ чизиги шакли мураккаб деб қабул қилиниши, бунда L_{max} ва L_{min} — мувофиқ равищда ± 45 градусдаги бўлимда ҳисобий нуқтали шамол йўналишидан шамол остидаги қирғоқ билан кесишгунча ўтказилган мос равищдаги энг катта ва энг кичик нурлар аниқланиши зарур.




15. $h_{d,i}$, м мажмуада 1 фоиз таъминланган түлкін баландлиги мазкур илованинг 2-расм графилари орқали gL/V_w^2 ўлчамсиз катталик учун қабул қилинувчи k_i коэффициентга ўртача түлкін баландлигини кўпайтириш орқали аниқланади. Қирғоқ чизигининг мураккаб шаклларида gL/V_w^2 қиймат $g\bar{h}_d/V_w^2$ ва 1-расмдаги юқори букувчи эгри чизик бўйича қабул қилиниши лозим.

1, 2, 4 фоиз тартиб бўйича таъминланганлик билан түлкін элементлари амалий маълумотлар бўйича аниқланган тақсимланиш функциялари бўйича қабул бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда эса синоптик хариталарни таҳлил қилиш натижалари бўйича қабул қилиниши лозим (мазкур ШНҚнинг 2-иловасида келтирган).



2-расм. k_i коэффициенти қийматлари графиклари

16. Түлқин ўркачини ҳисобий сатхдан η_c , м ортиши, η_c / h_i (мазкур илованинг 3-расм) ўлчамсиз катталик бўйича берилган ушбу h_i / gT^2 учун, $d / \bar{\lambda}_d = 0.5$ га тенг деб қабул қилган ҳолда аниқланади.



3-расм. η_c / h_i саёз сув ва $\eta_{c,sur} / h_i$ кирғоққа урилувчи түлқин доираларида қийматларни аниқлаш учун графиклар

Саёз сув доираларида түлқин элементлари

17. *i* фоиз таъминланган түлқин баландликлари h_i , м саёз сув доирасида тубнинг 0,002 ва ундан ортиқ нишаблигига қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$h_i = k_t k_r k_l k_i h_d \quad (156)$$

бу ерда:


k_t — трансформация коэффициенти;

k_r — рефракция коэффициенти;

k_l — йўқотишларнинг йифилган коэффициенти.

k_t , k_r ва k_l коэффициентлар ушбу ШНҚнинг 18-банди бўйича аниқланади.

Чуқур сув доирасидан саёз сув доирасига ўтувчи түлқин узунлиги 4-расм бўйича берилган $d / \bar{\lambda}_d$ ва $h_{1\%} / gT^2$, ўлчамсиз катталикларда аниқланади. Бунда, түлқинлар даври чуқур сув доирасидаги түлқинлар даврига тенг қилиб олинади.



4-расм. $d/\bar{\lambda}_d$ қийматларини саёз сув ва $\overline{\lambda_{cr}}/\bar{\lambda}_d$ қирғоққа урилувчи түлқин доираларида аниқлаш графиги


Түлқин ўркачини $\eta_{\tilde{n}}$, м хисоб сатхидан ортиши $d/\bar{\lambda}_d$ ва h_t/gT^2 ўлчамсиз миқдорлар учун, 3-расм бўйича аниқланади.

18. Трансформация коэффициенти 1-расм графиги бўйича аниқланади. Рефракция коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$k_r = \sqrt{\frac{a_d}{a}} \quad (157)$$

бу ерда:

a_d — чукур сув доирасида, ёнма-ён түлқин нурлари орасидаги масофа, м;
 a — саёз сув доирасида берилган нуқта орқали ўтувчи чизик бўйича худди ўша нурлар орасидаги масофа, м



5-расм. Аниқлаш учун графиклар: 1 — k_t коэффициентни, 2,3 ва 4 — миқдорни

Чукур сув доирасида рефракция тархида түлқинлар нурлари түлқинлар тарқалиши берилган йўналиши бўйича қабул қилинади, саёз сув доирасида эса уларни 6-расм графикларига мувофиқ схема билан давом эттирилади.


Умумлаштирилган йўқотишлар коэффициенти k_l $d/\bar{\lambda}_d$ миқдорни берилган қийматлари бўйича ва i тубнинг нишабнинг берилган қийматларида аниқланиши лозим (5-жадвал), тубнинг 0,03 ва ундан ортиқ нишаблигига йўқотишлар умумлаштирилган коэффициентини бир бутунга тенг деб қабул қилинади.

5-жадвал

$d/\bar{\lambda}_d$ нисбий чукурлик	k_l коэффициентининг i тубнинг нишаблигидаги қийматлари	
	0,025	0,02-0,002
0,01	0,82	0,66
0,02	0,85	0,72
0,03	0,87	0,76

0,04	0,89	0,78
0,06	0,9	0,81
0,08	0,92	0,84
0,1	0,93	0,86
0,2	0,96	0,92
0,3	0,98	0,95
0,4	0,99	0,98
0,5 ва ундан ортиқ	1	1

k_r коэффициенти қийматини түлкін нурлари учун ҳисоб нұктасидан бош нурдан 22,5 градус оралиқда үтказилувчи рефракция коэффициентларни анықлаш натижалари бүйича қабул қилишга йўл қўйилади.



6-расм. Рефракция тархини тузиш учун (а) схема ва (б) графиклар

19. Туб нишаблиги 0,001 ва ундан оз бўлган саёз сув доираларида тўлқинлар ўртача баландлиги ва ўртача тўлқин даври 1-расм графиклари бўйича аниқланади. gL/V_w^2 ва

gd/V_w^2 ўлчамсиз катталиклар бўйича $g\bar{h}/V_w^2$ ва $g\bar{T}/V_w$ қийматлар қабул қилиниб, улар бўйича \bar{h} ва \bar{T} аниқланади.

Тизимда 1фоиз таъминланган тўлқин баландлигини 2-расм графиклари бўйича қабул қилинувчи k_i коэффициентга ўртача тўлқин баландлигини кўпайтириш орқали аниқланади.

gd/V_w^2 ва gL/V_w^2 ўлчовсиз катталиклар бўйича k_i коэффициенти қийматлари аниқланади, улардан энг ками қабул қилинади.

Тўлқинлар ўртача узунлиги ўртача давр қиймати маълум бўлган ҳолда мазкур ШНҚнинг 13-бандига мувофиқ аниқланади.

Тўлқин чўққисининг ҳисобланган сатҳдан ортиши 3-расм бўйича аниқланиши лозим.

Тубининг нишаблиги 0,001 ва ундан кам бўлгандаги саёз сув доирасидан тубининг нишаблиги 0,002 ва ундан ортиқ бўлган доирага ўтувчи тўлқинлар элементини дастлабки ўртacha баландлик $\bar{h} = \bar{h}_d$ қиймати олинади.

Қирғоқка урилувчи тўлқин доирасидаги тўлқин элементлари

20. Қирғоқка урилувчи тўлқин доирасидаги тўлқин баландлиги $h_{sur1\phi_{oz}}$, м тубнинг берилган i нишаблари учун 5-расмнинг 2, 3 ва 4-графиклари бўйича аниқланади, бунда $d / \bar{\lambda}_d$ ўлчамсиз катталик бўйича $\frac{h_{sur1\%}}{gT^2}$ қиймат аниқланиши лозим ва мувофиқ равишда $h_{sur1\phi_{oz}}$ аниқланади.

Тўлқин урилувчи қирғоқ доирасида $\frac{\bar{h}_{sur}}{\bar{\lambda}_{sur}}$, м, 4-а расмнинг юқори букувчи эгри чизиги бўйича тўлқин узунлиги, тўлқин ўркачиннинг ҳисоб сатҳидан ортиши $\eta_{c,sur}$, м эса 3-расмнинг юқори букувчи эгри чизиги бўйича аниқланади.

21. Тўлқиннинг биринчи босиб келишидаги d_{cr} , м критик чуқурлик, тубнинг берилган i нишаблари учун 5-расмнинг 2-, 3- ва 4-графиклари бўйича кетма-кет яқинлашишлар услуби билан аниқланиши лозим. d чуқурликнинг берилган бир қатор қийматлари бўйича 17 ва 18-бандларига мувофиқ $\frac{h_i}{gT^2}$ катталик аниқланади ҳамда 5-расмнинг 2, 3 ва 4-графиклари бўйича уларга мос ҳолдаги $\frac{d_{cr}}{\bar{\lambda}_d}$ қийматлардан берилган d чуқурликларнинг соний бирига мос келувчи d_{cr} қабул қилинади.

22. Тубнинг доимий нишаблигидаги охирги тўлқин босиб келишига $d_{cr,u}$ мувофиқ келувчи критик чуқурликни қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$d_{cr,u} = k_u^{n-1} d_{cr} \quad (158)$$

бу ерда:

k_u — 6-жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент.

n — босиб келиш (шу жумладан биринчиси) $k_u^{n-2} \geq 0,43$ ва $k_u^{n-1} < 0,43$ тенгсизликлар бажарилгандаги $n=2$ -3- ва 4-тенгсизликлардан қабул қилинади: $k_u^{n-2} \geq 0,43$ ва $k_u^{n-1} < 0,43$.

6-жадвал

i туб нишаблари	0,01	0,015	0,02	0,025	0,03	0,035	0,04	0,045	0,05
k_u коэффициенти	0,75	0,63	0,56	0,5	0,45	0,42	0,4	0,37	0,35

Охирги босиб келиш чуқурлигини аниқлашда $d_{cr,u}$, k_u коэффициент ёки коэффициентлар қўпайтмаси 0,35 дан кам қабул қилинмаслиги лозим.

Тубнинг 0,35 дан кам бўлган нишабликларида критик чуқурлик қиймати $d_{cr} = d_{cr,u}$ деб олинади.

Тубнинг ўзгарувчан нишабликларида $d_{cr,u}$ доимий нишабли туб қисмлари учун критик чуқурликларни кетма-кет аниқлашлар натижалари бўйича қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўралган акваториядаги тўлқин элементлари

23. Ўралган акваториядаги дифракцияланган тўлқин баландлиги h_{dif} , м қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$h_{dif} = k_{dif} h_i \quad (159)$$


бу ерда:

k_{dif} — а тўлқинлар дифракцияси коэффициенти;

h_i — 1фоиз таъминланганликни дастлабки тўлқин баландлиги.

Хисобий узунлик сифатида акваторияга киришдаги дастлабки узунлик олинади.

24. Түлкінлар дифракцияси коэффициенти $k_{dif,s}$ ёлғыз ҳолдаги түлкін қайтаргич орқали үралған акватория учун (φ бурчакнинг берилған қийматида, градус, түлкін қайтаргичнинг бошидан ҳисобий түғон түсіғіда r ва φ бурчак қийматида, градус), 7-расм схема ва графикларига мувоғиқ равишида стрелкалар билан штрихли чизикларга биноан қабул қилинади.



7-расм. k_{dif} коэффициенти қийматларини аниқлаш графиклари

25. Мос ҳолдаги түлкін қайтаргичлар орқали үралған акваторияда түлкінлар дифракция коэффициенти $k_{dif,c}$ қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$k_{dif,c} = k_{dif,s} \psi_c, \quad (160)$$

бу ерда:


$\psi_c = d_c$ ва $k_{dif,cp}$ қийматлари учун 8-расм бўйича қабул қилинувчи коэффициент, d_c қиймат қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$d_c = \frac{l_1 + l_2 + b}{2b} \quad (161)$$


бу ерда:

l_1 ва l_2 — түлкін сояси чегарасидан (ТСЧ) түлкін дифракцияси чегарасигача (ТДЧ) бўлган масофа бўлиб, мазкур илованинг 9-расми ва графиклар билан стрелкалар билан штрихли чизикларга биноан қабул қилинади;

b — түлкін қайтаргич бошлари орасидаги дастлабки түлкін кўлами проекциялари масофаларига тенг қилиб қабул қилинувчи бандаргоҳга чиқиш кенглиги, м.



8-расм. ψ коэффициенти қыматлари графиклари



9-расм. l ва l_a қыматларини аниклаш схемаси (а) ва графиклари (б)

$k_{dif, cp}$ коэффициентининг қымати худди $k_{dif, s}$ каби ҳисобий устунида түлқинлар күлами билан бош нурнинг кесишиш нұктаси учун ушбу илованинг 24-бандига мувофиқ аникланади.

Мазкур илованинг 9-а расмдаги схемадаги бош нурнинг ҳолати, түлқин қайтаргичнинг түлқин сояси чегарасидан (ТСЧ) кичик бурчак остида φ_i градус x , m , масофаларда жойлашган нұкталар бүйіча, қуйидаги формула орқали аникланади:

$$x = \frac{l_1 l_{a2} - l_{a1} (l_2 - b)}{l_{a1} + l_{a2}} \quad (162)$$

бу ерда:

l_{a1} ва l_{a2} — ушбу илованинг 9-расм схема ва графикларга мувофиқ қабул қилинуvчи қыматлар.

26. Түлқин қайтаргич билан ўралган акватория учун түлқинлар дифракцияси коэффициенти $k_{dif,b}$ қуидаги формула орқали аниқланади:

$$k_{dif,b} = \sqrt{k_{dif,s1}^2 + k_{dif,s2}^2}, \quad (163)$$

бу ерда:

$k_{dif,s1}$ ва $k_{dif,s2}$ — түлқин қайтаргич бош қисмлари учун мазкур илованинг 24-бандига мувофиқ аниқланувчи түлқинлар дифракцияси коэффициентлари.

27. Дифракцияланган түлқин баландлиги ўралган акваториянинг берилган нүктасида унинг гидротехника иншооти ва тўсиқлардан $k_{dif,r}$, м қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда қуидаги формула орқали аниқланади:

$$h_{dif,r} = (k_{dif} + k_{ref})h_i \quad (164)$$

Бу ерда:

$$k_{ref} = k_{dif,s} k_r k_p k_{ref,i} e^{-0.08r/\bar{\lambda}} \sqrt{\cos \Theta_r} \quad (165)$$

$k_{dif,s}$ — қайтарувчи юза тўсиқ чизигидаги дифракция коэффициенти;

k_r ва k_p — 14-бандга мувофиқ аниқланувчи коэффициентлар;

Θ_r — түлқин кўлами ва қайтарувчи юза орасидаги бурчак, градус;

$r/\bar{\lambda}$ — қайтарувчи юзадан қайтарилиган түлқин нури бўйича ҳисобий нүктачача бўлган масофа; бунда қайтарилиган түлқин нури йўналиши түлқинларни келиш ва қайтарилиш бурчаклари tengligi лозимларидан келиб чиқсан ҳолда қабул қилиниши лозим;

$k_{ref,i}$ — қайтариш коэффициенти бўлиб, 7-жадвал бўйича қабул қилинади; қайтариш юзасининг горизонтга нисбатан 45 градусдан ортиқ бўлган оғиш бурчагида, қайтариш коэффициентини $k_{ref,i}=1$ деб олишини лозим.

7-жадвал

$\bar{\lambda} / h_{dif}$ түлқин қиялиги	Қайтарувчи юза i нишаблигидаги $k_{ref,i}$ қийматлари		
	1	0,5	0,25
10	0,5	0,02	0,0
15	0,8	0,15	0,0
20	1	0,5	0,0
30	1	0,7	0,05
40	1	0,9	0,18

ШНҚ 2.06.04-21 «Гидротехника
иншоотларига бўладиган юкланиш ва
таъсиrlар» шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Музни бир ўқли сиқиши билан синаш

1-§. Намуналарини танлаш, ясаш ва синовга тайёрлаш

Муз намуналарини муз майдонининг N қатламларидан уларнинг узун ўқлари кристаллар ўсиш йўналишига тик йўналган бўлиши, бунда $N \geq 3$ бўлади.

Муз намуналари квадрат кесимли призмалар ёки баландлигини кенглигига нисбати (диаметри) 2,5 га тенг бўлган юмалок кесимли цилиндр кўринишида ясалади.

Намуна кенглиги кристаллография тадқиқотлари маълумотлари бўйича аниқланувчи кристаллнинг ўртача кўндаланг кесимидан камидан 10 марта ортиқ бўлиши лозим.

Намуналар ўлчамларини оғиши ўртачадан фарқи ± 1 фоиздан ортишига йўл кўйилмайди.

Намуналар силлиқ ва текис бўлиб, уларда ёриқсиз, синиқсиз, тешикликсиз, ғадир-ғудурликларсиз бўлиши лозим.

Цилиндрик намуналарни токар дастгоҳида, призматик намуналарни эса горизонтал — фрезер дастгоҳида ясалиши керак.

Призматик намуналар ён ёқларини жуфтлаштирилган ҳолда улар орасидаги масофа ён қирраларини ишланаётганда намуна энига, таянч ёқларини ишланаётганда эса намуна баландлигига teng бўлган ҳолда бир ўқка ўрнатилган ҳолда ишлов бериш зарур.

Тадқиқот қилинаётган қатlam намуналарини синашдан олдин тажрибавий маълумотлар бўйича аниқланувчи қатlam харорати t_i , остида энг камидан 1 h тутиб турилади, булар мавжуд бўлмаган тақдирда эса мазкур ШНҚнинг 120 ва 121-формулалари орқали аниқланади.

2-§. Асбоб-ускуналар

Синов машиналари деформация тезлигини бошқариладиган машиналар тури бўйича тузилган бўлишлари лозим.

Машина орқали тузиладиган энг катта юкланиш синалаётган намуналар учун бузиладиган юкланишидан камидан икки марта ортиқ бўлиши керак.

Синаш машиналари «юкланиш-деформация» эгри чизигини автоматик тарзда қайд қилинишини ва юкланишни қўпи билан ± 5 фоиз хатоликда ўлчашни таъминлаши лозим.

3-§. Синовларни ўтказиш

Намуналар узун ўқлар атрофида сиқилиши, тадқиқот қилинувчи қатlam намуналари t_i харори: $\varepsilon_c = 3 \cdot 10^{-4}$, c^{-1} генг қилиб олинувчи деформация доимий тезлигига синалиши зарур.

4-§. Натижаларни таҳлил қилиш

Бузувчи юкланиш (бир ўқли сиқишига бўлган мустаҳкамлик) хар бир намуна учун C_j , MPa қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_f = \frac{(P_{max})_j}{f}, \quad (166)$$

бу ерда:

$(P_{max})_j$ — «юкланиш-деформация» диаграммаси бўйича аниқланувчи, j — намуна учун бузувчи (энг юқори) юкланиш, MN;

f — намунанинг дастлабки кўндаланг кесими юзаси, m^2 .

Тадқиқот қилинаётган қатlam намуналари серияларини синов натижалари сифатида $C_i \pm \Delta_i$ қабул қилинади, бунда C_i — музнинг бир ўқка сиқишига


мустаҳкамлигини параллел аниқлашлар ўртача (арифметик) қиймати бўлиб МРа қуидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_i = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n C_j ; \quad (167)$$

бу ерда:

Δ_i ва n — белгиланиш мазкур ШИНКнинг 60-банди каби бўлади.

Тадқиқот қилинаётган қатлам намуналар серияларини синаш натижалари график тарзда нуқта ва бу нуқтадан юқорига ва пастга иккита тенг кесмалар ҳолида ажратилади, нуқта, музнинг мустаҳкамлик чегараси ўрта (арифметик) қийматига, кесма эса, ўлчовлар тасодифий хатолиги ўртача квадратик оғишига мувофиқ келиши лозим.



Чучук сув музининг бир ўқ бўйича сиқилишдаги мустаҳкамлигининг (пластик бузилиш ҳолатидан мўрт — пластик ҳолатга ўтишдаги) ҳароратга боғликлиги ($n=5$)
призматик муз (намуна ўлчамлари 25x25x50 см);
донадор (корлик) муз (15x15x30 см)